201__
A
nomidagi
O'zbekiston MK

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

MILLIY TIKLANISH

42 (526) ● 2018 йил 17 октябрь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz | Таҳририят — www.milliytiklanish.uz | 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

КИМЁ САНОАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 16 октябрь куни кимё саноатини жадал ривожлантириш, тармоққа хорижий инвестиция ва замонавий технологияларни жалб қилиш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Маълумки, кимё соҳаси замонавий саноатнинг "катализатори" бўлиб, ҳар қандай ишлаб чиқариш негизида кимёвий жараёнлар ётади, бу соҳасиз иқтисодиётда тараққиёт бўлмайди.

Ўзбекистон заминида Менделеев жадвалидаги қарийб барча кимёвий элементлар мавжуд, мамлакатимиз углеводородларга бой бўлса-да, кимё саноатимиз асосан қишлоқ хўжалиги учун минерал ўғит ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

Қурилиш материаллари, фармацевтика, тўқимачилик, машинасозлик каби тармоқлар учун зарур бўлган мураккаб полимерлар, катализаторлар, реагентлар ва синтетик толалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилмаган.

Бунинг оқибатида ҳар йили 1,5 миллиард долларлик кимё маҳсулотлари импорт қилинмоқда. Ишлаб чиқарилаётган фосфор ва калийли минерал ўғитлар ҳам мавжуд талабнинг фақат учдан бирини қоплайди, холос.

Мураккаб минерал ўғитлар ишлаб чиқариш қувватлари 60-70 фоизга эскиргани энергия ресурсларининг ортиқча сарфланиши, кимё маҳсулотлари таннархининг ошишига олиб келмоқда.

Ўтган йилдан минерал ўғитга талабни қондириш учун 3,1 миллиард долларлик 17 та инвестиция лойиҳаси амалга оширила бошлади. Бундан ташқари, кимё саноати маҳсулотларини диверсификация қилиш мақсадида 2025 йилгача 4,2 миллиард долларлик яна 17 та лойиҳа ҳаётга татбиқ этилади.

Шунинг учун, кимё тармоғига хорижий инвестиция ва замонавий технологияларни жалб қилиш, маҳсулот ҳажми ва турини кўпайтириш, соҳанинг экспорт салоҳиятини ошириш "Ўзкимёсаноат" акциядорлик жамиятининг муҳим ва устувор вазифаси бўлиши зарур.

Йиғилишда тармоқдаги камчиликларни бартараф этиш ва кимё саноатини янада ривожлантириш юзасидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар муҳокама қилинди. Таъкидланганидек, тармоқни ривожлантириш учун янги замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш зарур.

Бугунги кунда мамлакатимизда азотли ўғитларга талаб 73 фоиз, фосфорли ўғитларга 20 фоиз таъминланмоқда. Азотли ўғит ишлаб чиқариш қувватларининг ўртача эскириш даражаси 64 фоизни, фосфорли ўғит бўйича 77 фоизни ташкил қилади.

Соҳадаги вазиятни яхшилаш мақсадида келаси беш йилда умумий қиймати 2,8 миллиард долларлик 9 та лойиҳани ишга тушириш режалаштирилган бўлиб, бунинг натижасида минерал ўғит ва сульфат кислотаси ишлаб чиқариш ҳажми 2 баробар кўпаяди. Азотли ва калийли ўғитларга талаб тўла қопланади, фосфорли ўғитларга эҳтиёжни қондириш даражаси бир неча баробар оширилади.

Айни пайтда табиий газнинг атиги 14 фоизи, жумладан, кимё тармоғида 5 фоизи чуқур қайта ишланмоқда. Кремний, каолин ва гипс хомашёсидан кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқариш эътибордан четда қолмоқда.

Маълумотларга кўра, юртимизда ишлаб чиқарилаётган ноўғит маҳсулотлар, асосан полиэтилен, полипропилен, полистиролга хорижий давлатлардаги эҳтиёжнинг молиявий қиймати 100 миллиард доллардан ошади. Бу эса биз учун яхши имкониятдир.

Шу сабабли, кимё саноатида маҳсулотлар турини диверсификация қилиш учун органик моддалар ишлаб чиқариш бўйича 15 та ва ноорганик моддалар бўйича 8 та лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Президентимиз мутасадди раҳбарларга ушбу лойиҳаларни амалга оширишга хорижий инвесторларни жалб қилиш бўйича топшириқлар берди.

Кимё саноатида йирик инвестиция лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этиш учун тизимнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш лозим. Йиғилишда "Ўзкимёсаноат" акциядорлик жамиятининг молиявий аҳволини яхшилаш юзасидан ҳам кўрсатмалар берилди.

Соҳага инновациялар умуман жорий қилинмагани, илм-фан салоҳиятидан самарали фойдаланилмаётгани танқид қилинди. Шунинг учун Корея кимё-технологиялари илмий-тадқиқот институти (KRICT) билан ҳамкорликда Тошкент кимё-технология илмий-тадқиқот институти негизида илмий-тадқиқот, лойиҳалаш ва муҳандислик, кадрлар тайёрлашга ихтисослашган марказ барпо этишни тезлаштириш зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда мутасаддиларга белгиланган барча вазифалар бўйича "Йўл харитаси" ишлаб чиқиш ва унинг ижросини мунтазам муҳокама қилиб бориш топширилди.

ЎзА

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА ДАВЛАТ ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан жорий йил 18 октябрь куни Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин давлат ташрифи билан мамлакатимизга келади.

Давлат раҳбарлари мунтазамлик касб этган сиёсий мулоқотнинг давоми сифатида Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги кўп қиррали муносабатлар ҳолати юзасидан фикр алмашадилар, стратегик шериклик ва иттифоқчиликни янада мустаҳкамлаш, ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш, турли соҳаларда янги қўшма лойиҳа ва дастурларни амалга ошириш истиқболларини муҳокама қиладилар.

Ташриф кун тартибидан долзарб халқаро масалалар, жумладан, минтақада барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш, Афғонистонда тинчлик ўрнатиш жараёнига кўмаклашиш масалалари ҳам ўрин олган.

Россия Федерацияси Президентининг Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифи доирасида илк бор Таълим форуми ва "Ўзбекистон — Россия" ҳудудлараро ҳамкорлик форуми ўтказилади, шунингдек, мамлакатимизда атом электр станцияси қурилиши бошланишига бағишланган маросим бўлиб ўтади.

Олий даражадаги музокаралар якунида давлат раҳбарларининг Қўшма баёнотини қабул қилиш, 2019-2024 йилларда иқтисодий ҳамкорлик дастури, 2019-2021 йилларда маданий-гуманитар соҳада ҳамкорлик дастури, Ўзбекистонда Россиянинг етакчи олий таълим муассасалари филиалларини ташкил этиш ва фаолиятини йўлга қўйиш тўғрисидаги келишув, "Суффа" халқаро радиоастрономик обсерваториясини ташкил этиш бўйича "Йўл харитаси" ва бошқа муҳим икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши кўзда тутилган.

Ташриф асносида, шунингдек, Ўзбекистон билан Россия ҳудудлари ва ишбилармон доиралари ўртасида йирик инвестиция ва савдо шартномаларининг имзоланиши кутилмоқда.

ЎзА

☑ 21 октябрь — Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун

ОНА ТИЛИНИ АСРАШ МИЛЛАТНИ АСРАШ ДЕМАКДИР

Миллат ойдинларининг бири билан бўлган суҳбатда у киши шундай воқеани айтиб берган эди: "чет эл сафаридамиз. Кечки пайт асли ўзбекистонлик бўлган, узоқ йиллардан буён ўша ерда яшаётган юртдошларимиз билан учрашадиган бўлдик. Келишилган вақтда ҳамма йиғилди. Кутилган инсонлардан фақат биргина юртдошимиз бироз кечикиб келди-да, "кутириб қўйдим, кечирасизлар. Мен пою пиёда келдим", деди. Кечиккан мезбонга мамнуният билан жой кўрсатилди. Мен эса соф ўзбекча бўлган "пою пиёда" деган шундай латиф сўзни охирги марта қачон ишлатганимни, ўзи умуман ишлатган-ишлатмаганимни билолмай ўтирган жойимда қотиб қолдим. Билдимки, ишлатмаган эканман...".

5-бет

Ҳамкорлик

ЎзМТДП ВА МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИНИНГ МУШТАРАК ВАЗИФАЛАРИ

АТРОФЛИЧА МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгашида партия етакчиси Сарвар Отамуратов ҳамда Ўзбекистон Республикаси маданият вазири Бахтиёр Сайфуллаевнинг учрашуви бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ва Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг ҳамкорлик Меморандуми асосидаги чора-тадбирлар режаси ижроси ҳамда келгусидаги вазифалар, маданият соҳасидаги мавжуд камчиликлар муҳокама қилинди.

Партия ташкилотлари ва депутатлар ЎзМТДП дастурий вазифаларидан келиб чиқиб, бир неча йил давомида мамлакатимиздаги мавжуд моддий маданий мерос объектларининг ҳолатини, уларни асраб-авайлаш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва консервациялаш, чегараларини белгилаш, кадастр рўйхатидан ўтказиш ишларини тизимли равишда ўрганмоқда. Мавжуд камчиликларни бартараф этиш, амалга оширилиши лозим бўлган муҳим вазифаларга эътибор қаратилмоқда.

2-бет

☑ Тарих — улуғ мураббий

БИРИНЧИ ФОТОСУРАТЧИ ВА КИНООПЕРАТОР

ХУДОЙБЕРГАН ДЕВОНОВ ФАОЛИЯТИ ЁШ АВЛОДНИ ВАТАНГА МУҲАББАТ, ЮРТГА САДОҚАТ РУҲИДА ТАРБИЯЛАШДА МУҲИМ ЎРИН ТУТАДИ

Фотография санъати — лаҳзаларни мангуликка муҳрлайдиган буюк кашфиёт. У одамлар ҳаётига кириб келиб, кутилмаган ҳодисалар, қизиқарли воқеаларга дебоча ясади, тафаккурини ўзгартириб юборди. Бугун нафақат фотоаппарат, балки қўл телефонлари орқали ҳам суратга олиш имкони вужудга келди. Фотография ҳаётимизга шу қадар чуқур сингиб кетдики, ҳаётимиздаги ҳар бир қувончли воқеани, албатта, фото ва видеолавҳаларга муҳрлаш одатга айланди.

Илк бор француз рассоми Луи-Жак Дагер кашф этган фотоаппарат Ўзбекистонга қачон кириб келган? Илк фото намуналарини тасвирга туширган ижодкор ким эди? Мазкур санъатнинг юртимизда ривожланиш босқичлари қандай кечди?

Ўзбекистон Бадиий академияси, "Қатағон қурбонлари хотираси" давлат музейи ҳамда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши ҳамкорлигида ўтказилган "Биринчи ўзбек фото суратчиси ва кинооператори Худойберган Девонов ижодий фаолиятининг ёш ватандошларимизни жамиятнинг баркамол, ташаббускор, фаол ва фидойи аъзолари қилиб тарбияланиши ва шаклланишидаги аҳамияти" мавзуидаги илмий-амалий анжуман ана шу саволларга тўлақонли жавоб топиш имконини берди.

Бугун гарчи театр ва рассомчилик, режиссура, журналистика каби ижодий йўналишлардаги таълим муассасаларида фотография соҳаси фан сифатида ўқитилса-да, бироқ ҳамма ёшларимиз ҳам бу ҳақда тўлиқ маълумотга эга эмас. Ваҳоланки, ўзликни англаш тарихни ўрганишдан бошланади.

4-бет

Ҳудудлар ривожи — мамлакат тараққиёти асоси

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА ҚАНДАЙ МАСАЛАЛАР ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛЯПТИ?

Бугун юртимизнинг ҳар бир ҳудудини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, фойдаланилмаётган объектлардан самарали фойдаланиш, тадбиркорликни ривожлантириш эвазига янги иш ўринлари ташкил этиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

2018 йил 29 июнь куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳар Олмазор туманига ташрифи давомида туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишар экан, бу ерда аҳолини қийнаб келаётган муаммоларни бартараф этиш, мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиш, ишламаётган объектлар фаолиятини қайта тиклаш, янги корхоналар ташкил қилиш, тадбиркорлик ва хизмат кўрсатишни ривожлантириш ҳисобидан одамларга даромад манбаи яратиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратган эди. Давлатимиз раҳбари шунда ғоят муҳим янги ташаббусни ҳам илгари суриб, Олмазорни тажриба тариқасида ҳар жиҳатдан намунавий туманга айлантириш таклифини билдирди. Шу асосида қисқа вақт мобайнида Олмазорнинг қиёфаси тубдан ўзгарди, ободонлаштириш ишлари авж олди. Бўш ётган майдон ва иншоотлар инвентаризациядан ўтказилиб, халққа наф келтиришга аҳд қилган тадбиркорлик субъектларига фойдаланишга берилмоқда.

Ушбу тажриба ўзини оқлагач, бу каби кенг кўламли ишлар Тошкент шаҳрининг барча туманида, қолаверса, республикамизнинг ҳамма вилоят ҳамда туманларида қўлланилмоқда.

Ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий аҳволни ва аҳолини қийнаб келаётган муаммоларни ўрганиш бўйича Республика ишчи гуруҳи тузилиб, улар жойлардаги ижтимоий-иқтисодий ҳолатни, аҳолини ташвишлантираётган муаммоларни атрофлича ўрганиб чиқмоқда. Ўрганиш натижалари маҳаллий Кенгашлар сессияларида муҳокама қилиниб, аниқ вазифалар белгилаб олинаётир.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг қуйи палатадаги фракцияси раҳбари Сарвар Отамуратов иштирокидаги ишчи гуруҳ вакиллари Қорақалпоғистон Республикасининг Тахиатош, Нукус, Қораўзак, Қўнғирот ва Шуманай туманларида бўлиб, ҳудудларни комплекс ривожлантириш, тўпланиб қолган муаммоларни бартараф этиш бўйича амалга оширилаётган ишларни ўрганди.

2-бет

MILLIY TIKLANISH — мамлакатимиз миллий тикланишига хизмат қилади!

"Milliy tiklanish" газетасини www.milliytiklanish.uz сайтида, шунингдек, fb.com/milliytiklanish, t.me/milliytiklanish_uz ижтимоий тармоқларида ҳам ўқинг!

газетамизга обуна давом этмоқда!

Нашр кўрсаткичи — 158

Ҳамкорлик

ЎзМТДП ВА МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИНИНГ МУШТАРАК ВАЗИФАЛАРИ

АТРОФЛИЧА МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

— Партия Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг мамлакатимизда мавжуд моддий маданий мерос объектларини тўлиқ инвентаризация ва муҳофаза қилиш, улардан фойдаланиш ҳолатини ўрганиш ҳамда бу борада аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар режасини тасдиқлади, Марказий кенгашнинг инвентаризация ишларини олиб борувчи ишчи гуруҳи, 14 та ҳудудий ишчи гуруҳлари шакллантирилди, — деди партия Марказий кенгаши раиси Сарвар Отамуратов. — Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, барча вилоят ҳокимликлари, Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳамда "Вақф" хайрия жамоат фондига моддий-маданий мерос объектларининг ҳолатини ўрганиш учун ҳамкорликда иш олиб бориш мақсадида хат юборилди. Айни пайтда ўрганиш ишлари жадал олиб борилмоқда. 12 октябрь ҳолатига мавжуд 7 минг 600га яқин моддий маданий мерос объектидан 6 минг 351 таси, яъни қарийб 85 фоизи инвентаризациядан ўтказилди. Ўрганишлар давомида маданий мерос объектларининг 75 фоизида муҳофаза белгилари ўрнатилмагани аниқланди. Шунингдек, уларнинг сони борасида Маданият вазирлигининг статистикаси билан партиямиз аниқлаган рақамларда тафовут бор. Айрим вилоятлардаги маданий мерос объектлари статистик маълумотлардаги рақамларга нисбатан кўп ёки кам эканлигини кўриш мумкин. Масалан, Бухоро вилоятида Маданият вазирлигининг маълумотига кўра 712, партия ташкилотларимизнинг ҳисоби бўйича эса 743 та маданий мерос объекти мавжуд. Тўғри, янги объектлар қўшилган ёхуд айримлари талабга жавоб бермагани боис маданий мерос объекти рўйхатидан чиқарилган бўлиши мумкин. Бундан ташқари, архивларда сақланаётган қанчадан-қанча номоддий маданий мерос объектлари ҳам бор. Шу боис бу борадаги ишларни якунлаб, маданий мерос объектларининг аниқ сонини белгилаш вақти келди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг асосий вазифаси маданият соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш эканлиги таъкидланиб, бу борадаги ишлар етарлича олиб борилмаётгани қайд этилди. 2016 йилда парламентда Ўзбекистон маданият вазирининг эшитуви ўтказилгани, аммо қарор ижроси ҳамон таъминланмагани танқид қилинди. Шунингдек, вазирлик тизимидаги ташкилотларда кўп ҳолларда номутахассис кадрлар фаолият олиб бораётгани, бу эса ишлар самарадорлигига салбий таъсир қилиши таъкидланди.

Партия раҳбари таъкидлаганидек, парламент қуйи палатасидаги ЎзМТДП фракцияси аъзолари ҳар йили Давлат бюджети лойиҳаси муҳокамаси давомида маданий мерос объектларини муҳофаза қилишга кўпроқ маблағ ажратилишига эътибор қаратиб келади. Бунинг натижасида Давлат бюджетидан ушбу мақсадларга ажратиладиган маблағлар йилдан-йилга ортиб бормоқда. Аммо вазирлик тизимидаги ташкилотлар ушбу маблағни мақсадли ўзлаштириш ва сарфлашда жонбозлик кўрсата олмаяпти. Масалан, 2018 йилнинг биринчи ярмида ушбу йўналишга ажратилган маблағларнинг 17 фоизи ўзлаштирилган, холос.

Маданият вазири Бахтиёр Сайфуллаев Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ташаббусларини қўллаб-қувватлаган ҳолда партия етакчисига ўз миннатдорлигини билдирди. Ҳамкорликдаги ишларни янада кучайтириш, икки томонлама тасдиқланган чора-тадбирлар ижросига алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлади.

Маданият вазири таъкидлаганидек, ЮНЕСКОнинг Жаҳон мероси рўйхатига киритилган объектларни сақлаш борасидаги ишларни жадаллаштириш, ушбу ташкилот билан алоқаларни янада мустаҳкамлаш мақсадида вазирлик марказий аппаратида тегишли бошқарма фаолияти йўлга қўйилган. Чунки айрим ҳолларда объектларни ЮНЕСКО талаблари даражасида сақлаб қолиш мушкул бўляпти — уларни замонавий қиёфага киритиш ёхуд тарихий масканлар яқинида баланд бино ва иншоотлар қуриш ҳолатлари учраяпти. Бунда ҳокимларнинг ўзбошимчалиги, соҳани билмаслиги ҳам сабаб бўлаётир. Тарихий ёдгорликларни реставрация қилиш ишларига тарихий-илмий ёндашувни таъминлаш мақсадида мамлакатимизда Тарихий ёдгорликларни реставрация қилиш ва лойиҳалаш бўйича алоҳида илмий институтлар фаолиятини йўлга қўйиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Учрашувда соҳанинг ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш, жумладан, "Маданият тўғрисида"ги қонун лойиҳасини тайёрлаш, янги таҳрирдаги "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги қонунни ишлаб чиқиш масаласига эътибор қаратилди. Шунингдек, шу йилнинг тўртинчи чорагида Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ЎзМТДП фракцияси ташаббуси билан маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш масаласида парламент эшитувини ташкил этиш режалаштирилгани айтиб ўтилди.

Учрашувда ҳар иккала томон маданият соҳасини ислоҳ қилиш, маданий мерос объектларига эътиборни янада кучайтириш, аждодларимиздан қолган бой меросни асраб-авайлаш умумий вазифа эканлигини қайд этиб, келгусида ўзаро ҳамкорликда ишлашга келишиб олинди.

Муҳтарама КОМИЛОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Худудлар ривожи — мамлакат тараққиёти асоси

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА ҚАНДАЙ МАСАЛАЛАР ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛЯПТИ?

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Ўрганиш натижалари муҳокамасига бағишланган халқ депутатлари туман Кенгашларининг навбатдан ташқари сессияларида Республика ишчи гуруҳи аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар депутатлари, сенаторлар, тегишли мутасадди вазирлик ва идоралар масъуллари ҳудудлардаги мавжуд ҳолат ҳамда вазифалар ижроси юзасидан парламент, депутатлик ва жамоатчилик назоратини таъминлашга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Халқ депутатлари Қўнғирот туман Кенгашининг навбатдаги сессиясида Қорақалпоғистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг Қўнғирот туманида аҳоли бандлигини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар, Қорақалпоғистон Республикаси уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирининг туманда коммунал хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш масалалари юзасидан ҳисоботлари, Қорақалпоғистон Республикаси хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси раисининг тумандаги бўш турган бинолар, қурилиши тугалланмаган объектлар ва фойдаланилмаётган ер майдонлари ҳамда мазкур объектлар негизида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ахбороти тингланди. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси туманларида ижтимоий-иқтисодий аҳволни ва аҳолини қийнаб келаётган муаммоларни ўрганиш бўйича Республика ишчи гуруҳи томонидан Қўнғирот туманида амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ахбороти, тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумларнинг хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш масалалари бўйича туман комиссияси раисининг ҳисоботи тингланиб, таклиф-мулоҳазалар билдирилди.

Танқидий-таҳлил руҳида ўтган йиғилишда қайд этилганидек, бугун мамлакатимизни ҳар жиҳатдан ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун имкониятларни янада кенгайтириш орқали янги иш ўринлари яратиш, ҳудудлар инфратузилмасини замонавий талаблар асосида такомиллаштириш, пировардида оддий одамлар турмуш фаровонлигини яхшилаш кун тартибидаги муҳим вазифалардан бирига айланган. Сессияда туманда бўш турган бинолар, қурилиши тугалланмаган объектлар ва фойдаланилмаётган ер майдонлари ҳамда улар негизида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар ҳолати юзасидан ўрганиш натижалари қизғин муҳокама этилди. Таъкидланганидек, туманда жами 31 та бўш турган бино, қурилиши тугалланмаган объект ва фойдаланилмаётган ер майдони мавжуд. Уларнинг 13 таси давлат мулки ва 18 таси мулкдорлар томонидан қурилган объектлардир.

Ушбу йўналишда олиб борилаётган ишлар муҳокама этилар экан, сессия қарори билан Қўнғирот тумани сектор раҳбарлари (Ш.Темирбаев, И.Арзиев, Б.Булатов, М.Матрасулиев) ҳамда бошқа мутасаддилар зиммасига аниқ вазифалар юклатилди. Бўш турган ва фойдаланилмаётган давлат мулки объектлари ҳамда ер майдонларини салоҳиятли инвесторларга имтиёзли шартларда, жумладан "ноль" харид қийматида бериш, янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш бўйича манзилли чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш белгиланди.

Қорақалпоғистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг Қўнғирот тумани миқёсидаги ишлар юзасидан ҳисоботида айтилишича, 2018 йилда аҳоли бандлигига кўмаклашиш давлат дастурига мувофиқ туманда 975 та (80,9 фоиз) иш ўрни ташкил этилган. 2018-2019 йилларда қўшимча 1,5 минг иш ўрни яратиш бўйича дастур ишлаб чиқилиши белгиланган. Сессия қарорига мувофиқ 4 сектор раҳбарларига жорий йилда аҳоли бандлигига кўмаклашиш давлат дастурига мувофиқ 1 минг 205 та янги иш ўрни ташкил этиш юзасидан зарур чоралар кўриш, 2018-2019 йилларда қўшимча 1 минг 530 та иш ўрни яратиш бўйича ишлаб чиқилаётган дастурнинг аниқ манзиллилигини белгилаш ва унинг 2018 йил тўртинчи чорагида тасдиқланишига кўмаклашиш вазифалари юклатилди. Яратилган янги иш ўринлари тўғрисида аҳолини хабардор қилишда шаффофлик ва ошкораликни таъминлаш ҳамда мавжуд бўш иш ўринларига фақат ишсизларни жалб этишга эришиш мақсадида оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, Интернетдаги ижтимоий тармоқлар имкониятларидан кенг фойдаланиш зарурлиги белгиланди.

Республика ишчи гуруҳи туманда олиб борган ўрганишлари давомида турли соҳага оид 6 мингдан ортиқ муаммони аниқлаган. Уларнинг мингдан кўпи жойида ҳал этилган.

— Республика ишчи гуруҳи аъзолари тумандаги ўрганишлари давомида муаммоларни фақат ўрганиш билан чекланиб қолмасдан, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ҳамда ечимига ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда, — дейди халқ депутатлари Қўнғирот туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Боғдагул Уалибоева. — Жумладан, тадбиркорларни қийнаётган масалалар билан қизиқмоқда. Эътибордан четда, кўздан пана бинолар, қаровсиз, бўш ётган майдонлар, фаолияти тўхтаб қолган корхона ва объектлардан мақсадли фойдаланиш чораларини кўрмоқда. Бундай объектларни ишга тушириш, тадбиркорлик қиламан деган фуқароларга кредит олиш, кадастр ва бошқа ҳужжатларини тайёрлаш, янги тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш, фаолиятини кенгайтириш, хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга ҳар томонлама кўмаклашмоқда. Бу каби амалий ишлар, ўз навбатида, туманимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Республика ишчи гуруҳининг Тахиатош туманидаги ўрганишлари ҳам самарали кечди. Халқ депутатлари туман Кенгаши сессиясида турли жабҳада олиб борилаётган ишлар ҳолати чуқур таҳлил этилди, йўл қўйилаётган камчиликлар ҳақида очиқ фикр юритилди.

Республика ишчи гуруҳи томонидан ўтказилган ўрганишлар натижалари хулосасига кўра, ҳудудда эришилаётган ютуқлар билан бирга, сектор раҳбарлари томонидан эътибор қаратилиши лозим бўлган ечимталаб муаммолар ҳам мавжуд. Йиғилишда туман аҳолисига коммунал хизмат кўрсатиш, жумладан, куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишлари, мавжуд муаммолар қизғин ва ошкора муҳокама қилинди. Совуқ, қорли-қировли кунлар бошланмасидан коммунал масалаларни ҳал қилиш, тайёргарлик ишларини сифатли якунлаш, аҳолини ёнилғи маҳсулотлари, жумладан, кўмир билан таъминлаш, мавсумни талофотсиз ўтказишга эришиш, истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, тўлов маданиятини юксалтириш долзарб аҳамиятга эга экани таъкидланди. Шунингдек, сессияда тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумларнинг хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди.

Халқ депутатлари Қораўзак туман Кенгаши сессиясида туман аҳолисининг муаммо ва таклифлари, ўрганиш натижасида аниқланган камчиликлар, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, бандлик масаласи, коммунал соҳада олиб борилаётган ишлар кенг муҳокама қилинди. Мавжуд камчиликларни бартараф этиш, айниқса, ёшлар бандлигини таъминлаш, бунда имтиёзли кредитлар ажратиш, бўш турган бино ва иншоотлардан самарали фойдаланиш, кам таъминланган ва ногиронлиги бор шахсларга моддий ёрдам кўрсатиш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, тўй-ҳашам, маърака ва маросимларни тартибга солиш борасидаги ишлар сарҳисоби сессия иштирокчиларининг диққат марказида бўлди.

Республика ишчи гуруҳининг Қорақалпоғистон Республикаси туманларида олиб борган ўрганиш натижалари, мавжуд муаммолар чуқур таҳлил қилиниб, галдаги вазифалар юзасидан сессия қарорлари қабул қилинди.

Муҳтарама РАМАЗОНОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Сана

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиб, унинг Бош қомусимизда мустаҳкамлаб қўйилгани она тилимиз нуфузини янада ошириш билан бирга ўзлигимизни англаш, ёш авлод онги ва қалбида ватанпарварлик, миллий қадриятларимизга ҳурмат туйғуларини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этаётир.

ТИЛ — МИЛЛАТ БОЙЛИГИ

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Бухоро вилояти кенгаши ҳамда Бухоро туманидаги 1-умумтаълим мактаби ҳамкорлигида 21 октябрь — Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганлигининг 29 йиллиги муносабати билан "Тил — миллат кўзгуси" мавзусида адабий-бадиий кеча ташкил этилди. Унда партия вилоят ва туман кенгаши ходимлари, депутатлар, партия фаоллари, Бухоро давлат университети профессор-ўқитувчилари, 1-умумтаълим мактаби жамоаси ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда ЎзМТДП Бухоро вилоят кенгаши раиси ўринбосари Шоира Аҳмедова истиқлол йилларида ўзбек тили ва адабиётининг халқимиз, жамиятимизнинг маънавий ривожида, замонавий илм-фан тараққиётида тутган ўрни ва роли билан боғлиқ долзарб мавзуларда муҳим илмий тадқиқотлар амалга оширилгани, кўплаб луғат ва қомуслар, рисола ва дарсликлар нашр этилганини таъкидлади.

Ўзбек тили ва адабиёти бўйича мутахассислар, илмий-педагог кадрлар тайёрлаш, мазкур йўналишда фаолият олиб бораётган ходимларнинг малакасини ошириш масалаларига катта эътибор берилаётгани қайд этиб ўтилди.

Маълумки, ҳар йили 21 октябрь юртимизда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун сифатида ўзгача ғурур, фахр ва ифтихор билан нишонланади. Улкан бойлик, қадрият сифатида эъзозланадиган она тилимизда аждодларимизнинг бебаҳо мероси, тарихи, ўтмиши ва бугунимиз яшайди. Ўзлигини англаган ҳар бир миллат ва элат учун тил тенгсиз бойлик саналади.

— Бадиий адабиёт муваффақиятини белгиловчи жиҳат — бу тил. Шу боис бобокалонимиз Алишер Навоий адабий меросида тилга эътибор юксак қадрланади, — деди халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати, 1-умумтаълим мактаби директори Дилфуза Амонова. — Узоқ мозийдан бошланган ушбу улуғворлик асрлар силсиласидан-да ўтиб, ўз қадрини йўқотмади. Дарҳақиқат, она тилини севган, ардоқлаган инсон қалбида ўтмиши, анъана ва қадриятларига, буюк аждодаларига чексиз эҳтироми мужассам бўлади. Бебаҳо бойлигимиз, қадриятимиз бўлган она тилимизнинг ҳар томонлама ривожланишини таъминлаш фаолиятимиз мезонига айланиши лозим. Айниқса, ёшларга таълим-тарбия бериш жараёнида уларни она тилига ҳурмат-эҳтиром руҳида тарбиялаш, адабий тил қоидаларига амал қилишига алоҳида аҳамият қаратиш муҳим вазифаларимиздандир.

ЎзМТДПнинг сайловолди Платформасида давлат тилини бойитиш ва янада такомиллаштиришга, тил маданиятини, ўзаро муомала сифатини юксалтиришга йўналтирилган чора-тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқиш, оммавий муомалада ўзбек адабий тили меъёр ва қоидалари бузилишининг олдини оладиган аниқ мақсадли ишларни олиб бориш устувор вазифа сифатида белгиланган. Дарҳақиқат, партия олдида турган ушбу муҳим вазифалар ўзбек тилининг софлигини таъминлаш билан бир қаторда бебаҳо қадрият сифатида эъзозланишида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Тадбир давомида ўзбек тилининг миллат кўрки, бойлиги ва борлиги сифатида қадрланиши ўқувчи-ёшлар томонидан тайёрланган шеърлар, ҳикматли сўзлар ва саҳна кўринишларида ҳам яққол намоён бўлди.

Муслима РЎЗИЕВА,
ЎзМТДП Бухоро вилоят кенгаши етакчи мутахассиси

Тарих тилга кирганда...

ЎзМТДП ЯНГИ ТОПИЛМАНИ МУЗЕЙ ФОНДИГА ТОПШИРДИ

Ватанимизнинг неча минг йиллик ўтмиши асрлар силсиласида қанчадан-қанча воқеа-ҳодисаларга гувоҳ бўлган. Улар орасида ҳали очилмаган қўриқдек бўлиб, ўз тадқиқотчиларини кутиб турган осори-атиқалар ҳам анча. Уларни ўрганиш, тадқиқ этиш ёш авлод олдида турган муҳим вазифалардан биридир.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Тошкент вилоят кенгаши қошидаги ишчи гуруҳ маданий мерос объектларини хатловдан ўтказиш жараёнида бунга яна бир бор гувоҳ бўлди. Жумладан, вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси девони раҳбари Шуҳрат Насимов, Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий ишлаб чиқариш Тошкент шаҳар, Тошкент ва Сирдарё вилоятлари бўйича минтақаларо давлат инспекцияси бош мутахассиси Фарҳод Мирхўжаев, археолог Сервер Аширов ҳамда шу соҳа мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳ Оҳангарон туманидаги маданий мерос объектларини хатловдан ўтказишда "Ўзбекистон" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги Қорахитой қишлоғида янги топилмага дуч келди.

Яъни, қишлоқда давлат дастури доирасида намунали уйлар қуриш ишлари олиб борилаётган жойдан 1,5-2 метр чуқурликда қадимий археологик топилмалар — кўза, бир неча хум ва хўжалик буюмлари топилиши бу ернинг сир-синоатга тўлалигидан далолат беради.

Ишчи гуруҳ аъзолари қурилиш майдонида қазиш ишларини олиб бориши натижасида бўйи 120 сантиметр, айланаси 232 сантиметр бўлган катта хумдон, бир неча кичик кўза ва тегирмон тоши топилди.

ЎзМТДП Марказий кенгаши мазкур топилмаларни Ўзбекистон тарихи давлат музейи фондига топширди. Шу муносабат билан музейда бўлиб ўтган тадбирда мустақиллик йилларида археология соҳасига катта эътибор берилаётгани, шу боис соҳада кўплаб изланиш ва янгиликлар амалга оширилгани, мазкур топилмаларнинг қиймати тенгсиз экани таъкидланди.

— Археология соҳасида 45 йилдан буён фаолият юритиб келаман, ўрганишларим мобайнида тарихимиз нақадар олис йилларга бориб тақалишига кўп бор гувоҳ бўлганман, — деди археолог Сервер Аширов. — Мазкур археологик топилмалар илк ўрта асрларга оид бўлиб, улар орасида тегирмон тошларини ҳам учратиш мумкин. Бундай тегирмон тошлари ўша даврда ихтиро қилиниб, хўжаликда қўлланилган. Топилган сопол хумдон ва кўзаларнинг қора ангор қилингани (сирлангани) ҳам юқоридаги фикримизга далил бўла олади, чунки бундай сопол идишлар милодий аср бошларига хосдир. Қадимда одамлар дон маҳсулотларини турли хил кемирувчиларидан асраш мақсадида йирик хумлардан фойдаланган, демак ушбу хумларда ҳам дон маҳсулотлари сақланганини тахмин қилиш мумкин.

Археолог олимлар Оҳангарон туманида бу сингари топилмаларга кўп бор дуч келинганини таъкидлашди. Дарҳақиқат, Буюк ипак йўлини боғлаган мазкур ҳудуд кўп тарихий воқеаларга гувоҳ бўлган.

— Музейимиз фондида 300 мингдан ортиқ экспонат мавжуд бўлиб, уларнинг сони яна бир нечтага ортганидан мамнунмиз, — деди Ўзбекистон тарихи давлат музей директори Жаннат Исмоилова. — Музейимизда 70 мингдан ортиқ археология топилмалари сақланади. Уларнинг ҳар бири ўша давр маданиятини ўрганишга ёрдам беради. Мазкур экспонат ҳам туристлар ҳамда ташриф буюрувчиларнинг эътиборини жалб этадиган қадимий ашё сифатида ўз ўрнига эга бўлади.

Тадбирда мутахассислар топилмаларнинг тарихий қиммати хусусида батафсил маълумот берди. ЎзМТДП ҳамда мазкур музейнинг кўп йиллардан буён ҳамкорликдаги фаолияти самарали бўлаётгани алоҳида таъкидланди. Тарихдан сўзловчи юртимиз замини ҳали очилмаган сир-синоатларга тўлалиги боис янги қурилиш ишлари бошлашдан олдин археологлар текшируви ҳамда мутасаддилар назорати остида рухсат берилса, бу соҳа ривожида муҳим аҳамият касб этиши ҳам алоҳида таъкидланди.

Дилфуза МАҲКАМОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

ЧИҚИНДИХОНАГА АЙЛАНИБ БОРАЁТГАН ТАРИХИЙ ТЕПАЛИКЛАР

Юртимиз ўзининг бой тарихи, ўтмиши, буюк алломаларию тарихий шаҳарлари билан дунё жамоатчилигига, илм аҳли ва сайёҳларни жалб этиб келган. Мамлакатимизга келаётган сайёҳларнинг аксариятини маданий мерос объектлари қизиқтириши табиий. Бу эса, ўз навбатида, туризм соҳасини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Тошкент вилояти ҳудуди ҳам ана шундай тарихий обидаларга бой. Айни пайтда вилоятда 721 маданий мерос объекти рўйхатга олинган. Хусусан, Оҳангарон, Бўстонлиқ, Паркент, Пискент, Бўка, Зангиота, Бекобод, Чиноз, Қуйи Чирчиқ туманлари ўзининг қадимий обидалари билан эл орасида машҳур. Улар орасида диний ва дунёвий билимларни эгаллаган, ўз ақл-заковати, тафаккури билан инсонлар қалбини ёритган кўплаб улуғ зотлар қўним топган маконлар, халқ орасида муқаддас деб аталувчи шифобахш булоқлар, минг йиллар давомида яшаб келаётган дарахтлар, бағрида тарихий сир-асрорларни беркитиб қад кўтариб турган тепаликлар борлиги бунинг ёрқин далилидир.

Айни пайтда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Тошкент вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари ишчи гуруҳлари маданий мерос объектларининг ҳолатини ўрганиш, уларни қайта инвентаризация қилиш ишларини амалга оширмоқда.

ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси ўринбосари Феруза Муҳаммаджонова ишчи гуруҳ билан бирга Паркент туманидаги моддий маданий мерос объектларини хатловдан ўтказиш жараёни билан танишиш мақсадида Саид Жаъфар ас-Содиқ Ғозий ибн Ҳусайн зиёратгоҳи ҳамда Чорлоқ тепа манзилгоҳларида бўлди. Туманнинг Номданак қишлоғида жойлашган Саид Жаъфар ас-Содиқ Ғозий ибн Ҳусайн зиёратгоҳининг бугунги ҳолати ўрганилганда, мақбара 2006-2007 йилларда қайтадан тиклангани, кадастр ҳужжати мавжудлиги аниқланди. Бироқ у Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий ишлаб чиқариш давлат инспекцияси томонидан вилоят моддий маданий мерос объектлари рўйхатига киритилмаган. Қолаверса, мақбаранинг қайта тикланганига ҳали кўп вақт ўтмаган бўлса-да, у қаровсиз аҳволда. Иншоотнинг ён-атрофи ободонлаштирилмаган, пешлавҳаси ҳам синиб, тушиб кетган. Бу эса ободонлаштириш ишлари қўл учида, "мендан кетгунча, эгасига етгунча" қабилида олиб борилганидан далолат беради.

Маҳаллий аҳоли томонидан Чорлоқтепа, Чаллактепа деб аталувчи VI-XII асрларга тааллуқли тепаликлар ҳақида ҳам ижобий фикр айтиш мушкул. Маълумотларга кўра, Чорлоқ тепа бошқа тепаликлар сингари ўрта асрлар ва ундан кейинги даврларда ҳам, асосан, мудофаа ҳамда кузатиш нуқтаси вазифасини ўтаган. Айниқса, ундан Қўқон хонлиги даврида самарали фойдаланилган.

Тепалик устида сочилиб ётган турли сопол буюм парчалари, ёввойи ҳайвонларнинг суяклари унинг бой археологик манзилгоҳ эканлиги, уларни ўрганиш зарурлигидан далолат бериб турибди. Бироқ бу ерда ҳали ҳеч қандай тадқиқот ишлари олиб борилмаган. Чорлоқтепа айни пайтда чиқиндилар ташланадиган жойга айланиб қолган. Бундан ташқари, маҳаллий аҳоли тепалик тупроғини турли мақсадларда ковлаб олиб кетаётганига гувоҳ бўлиш мумкин. Демак, мазкур масканга зудлик билан эътибор қаратиш, ободонлаштириш, асраб-авайлаш, унинг тарихини тадқиқ этиш зарурияти мавжуд.

ЎзМТДП Тошкент вилояти кенгаши раиси Маҳмуд Назаров, вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси девони раҳбари Шуҳрат Насимов ва ЎзМТДП Нурафшон шаҳар кенгаши раиси Улуғбек Қобилов Нурафшон шаҳрида жойлашган Ахтам сахоба зиёратгоҳи, Бойтемиштепа ва Чордара тепалигининг бугунги ҳолатини ўрганди.

— Чордара тепалиги тўғрисида аниқ маълумотлар мавжуд эмас, III-VIII асрларга тегишли дея тахмин қилинади, — дейди ЎзМТДП Нурафшон шаҳар кенгаши раиси Улуғбек Қобилов. — Маҳаллий аҳолининг айтишича, мазкур тепалик ҳам қадимда ёвдан ҳимояланиш мақсадида барпо этилган. Ўз вақтида ушбу қадимий археологик ёдгорликдан заргарлик буюмлари ва қадимий сопол буюмлар топилган. Тепалик атрофи шаҳристон бўлиб, ҳозирги Нурафшон шаҳридаги "Гузар" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудига тўғри келади. Ўрганишлар тепаликнинг бугунги ҳолати қониқарли эмаслиги, унинг атрофи чиқиндилар уюми билан тўлиб, қаровсиз кўринишга келиб қолганини кўрсатди.

Ҳудуддаги яна бир тарихий маскан — Ахтам сахоба зиёратгоҳи ҳақида ҳам шундай фикр билдириш мумкин. Нурафшон шаҳридаги "Наврўз" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган мазкур объектда Ахтам сахобанинг рамзий қабри жойлашган бўлиб, бундан 35 йил муқаддам таъмирланган. Маскан атрофида уч шифобахш булоқ мавжуд бўлса-да, уларнинг бугунги ҳолати мақтангулик эмас.

Ўрганишлар натижасида шу каби маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, муаммоларни бартараф этиш ҳамда ҳудуднинг туризм салоҳиятини ошириш борасида таклифлар билдирилди.

Умида ЭРГАШАЛИЕВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Назорат ва таҳлил

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси дастурида мамлакатимизда мавжуд маданий мерос объектлари тарихини ўрганиш, уларни асраб-авайлаш ва келгуси авлодга бус-бутун етказиш асосий мақсадлардан бири этиб белгиланган. Ҳозирда партия Марказий кенгаши ташаббуси билан ҳудудлардаги мавжуд археология, архитектура, монументал санъат ёдгорликлари ҳамда диққатга сазовор барча жойни хатловдан ўтказиш бўйича тузилган ишчи гуруҳлар жойларда тизимли ўрганишларни амалга оширмоқда.

АНДИЖОННИНГ ЗИЁРАТГОҲ МАСКАНЛАРИ

БИРМА-БИР ЎРГАНИЛМОҚДА

— Партия Андижон вилоят кенгаши, вилоят маданият бошқармаси ҳамда Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий ишлаб чиқариш давлат инспекцияси вакиллари ўзаро ҳамкорликда ҳудуддаги қатор объектларни ўрганиб, хатловдан ўтказмоқда, — деди халқ депутатлари Андижон шаҳар Кенгаши депутати Муҳаммадамин Охунов. — Вилоятда ҳозирги кунда 378 маданий мерос объекти рўйхатга олинган. Жумладан, Қўрғонтепа туманида 23 маданий мерос объекти мавжуд бўлиб, уларнинг бугунги ҳолати юзасидан ишчи гуруҳ қатор таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқмоқда. Улар орасида, айниқса, табаррук қадамжо ҳисобланган Бибисешанба зиёратгоҳи ҳамда Қалъа ёдгорлиги ҳудудини келгусида янада кенгайтириш ва ободонлаштириш келувчилар сонини янада кўпайтиришга хизмат қилади.

Қўрғонтепа туманининг "Жаннатбулоқ" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги Султонобод қишлоғида жойлашган Бибисешанба зиёратгоҳи қарийб икки аср илгари бунёд этилган бўлиб, доимо одамлар билан гавжум. Хусусан, зиёратгоҳ атрофидаги шифобахш булоқ сувининг маъданларга бойлигини мутахассислар ҳам эътироф этган.



Вилоятдаги тарихий обидалардан яна бири Қалъа меъморчилик ёдгорлиги ҳисобланади. Мазкур иншоот 1880-1881 йилларда мудофаа қўрғони сифатида бунёд этилган. Қалъанинг 10 метрдан баланд деворидан Андижон шаҳрининг ҳар бир маҳалла ва кўчалари кафтдек кўриниб турган. Умумий ер майдони 1 ярим гектарча келадиган бир неча бино, қурол-аслаҳа омборлари, ошхона ва тўпхоналардан иборат қўрғондан мудофаа мақсадида фойдаланилган. Қалъа 130 йил давомида жуда кўп тарихий воқеаларнинг гувоҳи бўлган.

Ҳудуддаги яна бир тарихий бино — Девонабой масжиди. Тарихчи олим Сайфиддин Жалилов маълумотига кўра, мазкур иншоот XIX асрнинг 70-йилларида бунёд этилган бўлиб, марказий намозгоҳ вазифасини ўтаган. Девонабой қорасувлик катта ер-сув эгаси ҳисобланиб тақводор, саховатпеша, моддий ва маънавий бой инсонлардан бири бўлган. Ушбу масжид унинг ташаббуси билан қурилгани боис ҳозиргача Девонабой номи билан юритилади.

Андижонда бу сингари мозий ҳақиқатидан сўзловчи маданий мерос объектлари кўп бўлиб, хорижлик сайёҳлар ҳамда юртимиз аҳлининг эътибори ва ҳайратини қозониб келмоқда. Уларнинг келиб чиқиш тарихини ўрганиш, бугунги кундаги ҳолати ва амалга оширилиши лозим бўлган ишларни ўз вақтида адо этиш муҳим вазифалардан биридир.

Сардор ДАМИНОВ,
ЎзМТДП Андижон вилоят кенгаши бош мутахассиси

ҚОЯТОШ ҚОРАҚИЯСОЙ РАСМЛАРИ ЁДГОРЛИГИ ХАВФ ОСТИДА

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Самарқанд вилоят кенгашида ҳудудлардаги тарихий ва маданий мерос объектларини инвентаризация қилиш ҳамда уларнинг ҳолатини ўрганиш мақсадида тузилган ишчи гуруҳ Иштихон туманида бўлиб, айрим объектларнинг бугунги аҳволи билан яқиндан танишди.

Дастлабки манзил Митан шаҳарчасидаги Полвон ота мақбараси бўлди. Ушбу мақбарада ўз даврида юртимизда ислом динни маърифатини кенг тарғиб қилган Аҳмад Замчи номи билан машҳур бўлган инсон қабри жойлашган. Бироқ унинг ўзи, оиласи ва авлодлари ҳақида айни пайтда ҳеч қандай маълумот йўқ. Маҳаллий аҳолининг саъй-ҳаракати билан мақбара бугунги кунгача яхши ҳолатда сақлаб келинмоқда.

Ишчи гуруҳ шу куни тумандаги маданий мерос объекти сифатида рўйхатга киритилган Орлот қишлоғидаги Орлот масжидида ҳам бўлди. Манбаларда келтирилишича, ушбу масжид XVII асрда қурилган. Аммо унинг биноси бугун замонавий кўриниш касб этган. Ушбу масжид ўтган давр мобайнида уч маротаба бузилиб, қайта қурилган. Масжиднинг қурилишида эски масжиднинг айрим устунларидан фойдаланилган, холос. Шу боис у ўз асллигини буткул йўқотган. Бу ерда аҳоли ёки сайёҳларни қизиқтирадиган, ҳайратга соладиган бирор-бир нарса қолмаган.



Тумандаги Бақон қишлоғида жойлашган Қоятош Қорақиясой расмлари ёдгорлиги ҳам қадимий, ҳам ноёблиги билан ажралиб туради. Қоятошдаги турли расм ва ёзувлар олис тарихдан, ҳудуд аҳолисининг турмуш тарзидан дарак беради. Ишчи гуруҳнинг ушбу манзилдаги ўрганишлари давомида маҳаллий аҳоли ёдгорликка буткул нотўғри муносабатда бўлаётгани маълум бўлди. Қоятошлар аёвсиз қулатилиб, улардан қурилиш материали, бино пойдевори сифатида фойдаланилмоқда. Агар ушбу маскан муҳофаза қилинмаса, тарихий аҳамиятини буткул йўқотиши шубҳасиз. Шу боис уларни зудлик билан муҳофазага олишимиз, асл ҳолатига путур етишига барҳам беришимиз лозим. Акс ҳолда аждодларимиздан қолган бебаҳо бойлигимизга катта зарар етиши тайин.

—Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий ишлаб чиқариш давлат инспекцияси тақдим этган маълумотга кўра, бугун Иштихон туманида жами 70 та маданий мерос объекти мавжуд, — дейди ЎзМТДП Иштихон туман кенгаши раиси, ишчи гуруҳ раҳбари Усмон Шакаров. — Уларнинг 62 таси археологик, 8 таси архитектура объектлари ҳисобланади. Аммо ҳудуддаги маданий мерос объектларини инвентаризация қилиш ва уларнинг бугунги ҳолатини ўрганиш мобайнида маълум бўлдики, ушбу объектларнинг атиги учтасида кадастр ҳужжатлари бор. Археологик объектлар, яъни тепаликларнинг бирортасида кадастр ҳужжати йўқ, муҳофаза белгилари ўрнатилмаган.

Ишчи гуруҳнинг тумандаги ўрганишлари давомида аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли мутасаддилар билан биргаликда чора-тадбирлар белгилаб олинмоқда.

Ёлқин ОҚБЎТАЕВ,
ЎзМТДП Самарқанд вилоят кенгаши етакчи мутахассиси

ТЕПАЛИКЛАР ОЛИС ЎТМИШДАН СЎЗЛАЙДИ

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси томонидан мамлакатимиздаги мавжуд моддий маданий мерос объектларини тўлиқ инвентаризация қилиш, муҳофаза этиш ва улардан фойдаланиш ҳолатини ўрганиш ҳамда бу борада аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича тасдиқланган чора-тадбирлар режасига асосан Навоий вилоятида тузилган ишчи гуруҳлар ҳам ҳудуддаги маданий мерос объектларида ўрганиш ишларини олиб бормоқда.

Бугунги кунда Нурота туманида 41 маданий мерос объекти мавжуд. Шундан 27 таси археология, 11 таси архитектура ва 3 таси монументал ёдгорликлардир.

Ўтган давр мобайнида ишчи гуруҳ томонидан бир қанча археология ёдгорликларида ўрганиш ишлари олиб борилди. Нурота шаҳридан қарийб 70 километр шимоли шарқда жойлашган "Катта сой" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида бир нечта маданий мерос объекти мавжуд. Жумладан, Катта эш қишлоғида жойлашган Фежак қадимий қалъалардан бири саналади. Ушбу қалъа нисбатан юқорида жойлашган бўлиб, уч томони тоғ билан ўралган. Бу билан ўша даврда душман ҳужумидан ҳимояланиш учун қулай ҳудуд барпо этилган.

— Қалъа ерга нисбатан 1800 метр баландликда жойлашган, — дейди қишлоқ фаолларидан Абдуназар Набиев. — Тахминларга кўра, у милоддан аввалги II асрда барпо этилган. Унда асосан зодагон ва бой одамлар яшаган. Аҳолининг асосий қисми қўрғон ёнидаги тоғ ўнгирлари атрофида яшаган. Унинг қурилишида асосий эътибор қўрғон мудофаасига қаратилган: уч томони ҳам тоғ билан ўралган. Дашт томонда сунъий тепалик мавжуд бўлиб, профессор Додо Нозиловнинг ёзишича, у тахминан X–XII асрларда бунёд этилган. Бу тепалик "думалоқ тепа" деб аталиб (тожик тилида "тепи лелок"), душман ҳужум қилганида тепада олов ёқилиб, қўрғонга хабар қилинган. Энг ачинарлиси, ҳозирда ушбу тепаликнинг бир қисмини маҳаллий аҳоли ўзлаштириб, уй-жой қуриб олган.

Эътибордан четда қолган яна бир тепалик Ғозғон қўрғони ён-атрофида жойлашган. Маълумотларга қараганда, ушбу тепалик сунъий, яъни қўл кучи ёрдамида бунёд этилган. Тепалик асосан кузатув маскани вазифасини ўтаган ва у душман ҳужуми вақтида хабар бериш нуқтаси саналган. Шунингдек, турли маросимлар вақтида жарчилар тепа устига чиқиб, қишлоқ аҳлини хабардор қилишган. Бу удум ҳозирги вақтда ҳам сақланиб қолинган — тепалик устидан бутун қишлоқ кафтдек кўрингани боис бугунги кунда ҳам жарчилар тўй ва турли маросимларга шу ердан туриб хабар беришади.

Ўрганиш жараёнида шу нарса маълум бўлдики, тепалик йил сайин турли табиий ва техноген жараёнлар таъсирида емирилиб бормоқда. Атрофи муҳофазаланмагани боис айрим фуқаролар ундан ўз манфаати йўлида фойдаланиб, уй-жой қуриб олгани ачинарлидир. Янада ажабланарлиси, тепаликка уяли алоқа компанияларидан бири — UMS компанияси ўз антеннасини ўрнатган.

— Нурота заминида олис ўтмишдан ҳикоя қилувчи бу каби тепаликлар жуда кўп, — дейди ишчи гуруҳ аъзоси, ЎзМТДП Нурота туман кенгаши раиси Шуҳрат Рустамов. — Аммо бирор бир тепаликнинг муҳофаза белгиси мавжуд эмас, атрофи ўралмаган. Аксарияти қаровсиз, бегона ўт ва буталар билан қопланган, эътибордан четда қолган. Ишчи гуруҳнинг тумандаги мавжуд маданий мерос объектлари, тарихий тепаликларда олиб бораётган ўрганиш ишлари натижаларини халқ депутатлари туман Кенгашидаги партия гуруҳи сессияга киритишни режалаштирган. Бундан мақсад — ҳудуддаги маданий мерос объектлари, тепаликлар тарихини ўрганиш, муҳофаза белгиларини ўрнатиш, ободонлаштириш ишларини амалга ошириш бўйича тизимли ишларни йўлга қўйишдан иборат.

Ҳудуд тарихидан дарак берувчи, ўтмишимизни ўзида мужассам этган тарихий тепалик ва обидаларни асраб-авайлашга ҳисса қўшиш мақсадидаги ўрганишлар Навоий вилоятида кенг миқёсда давом этмоқда.

Абдували БЎРИЕВ,
ЎзМТДП Навоий вилоят кенгаши етакчи мутахассиси

MILLIY TIKLANISH
42 (526) 2018 йил 17 октябрь, чоршанба

Тарих — улуғ мураббий

БИРИНЧИ ФОТОСУРАТЧИ ВА КИНООПЕРАТОР

ХУДОЙБЕРГАН ДЕВОНОВ ФАОЛИЯТИ ЁШ АВЛОДНИ ВАТАНГА МУҲАББАТ, ЮРТГА САДОҚАТ РУҲИДА ТАРБИЯЛАШДА МУҲИМ ЎРИН ТУТАДИ

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

"Миллий ўзликни англаш — тарихни ўрганишдан бошланади", каби миллий тикланиш ғоясини илгари суриб, бугунги сиёсий жараёнларда фаол иштирок этишга интилаётган Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди Платформасида миллий маданият ва маънавиятимизнинг тарихий тажрибасини ўзлаштириш устувор вазифа сифатида белгиланган. Биринчи ўзбек фотосуратчиси ва кинооператори Худойберган Девонов ижодий фаолиятининг ёш ватандошларимизни жамиятнинг баркамол, ташаббускор, фаол ва фидойи аъзолари сифатида тарбияланиши ва шаклланишидаги аҳамиятига бағишланган илмий-амалий анжуман ҳам ана шу вазифалар ижросига хизмат қилади.

— Юртимизда илк суратга туширишишлари асосан хорижлик сайёҳлар, ўлкашунослар воситасида амалга оширилган, — деди "Қатағон қурбонлари хотираси" давлат музейи директори, ЎзМТДП Марказий кенгаши аъзоси Бахтиёр Ҳасанов. — Бу ишни миллатимиз фарзандларидан энг биринчи бўлиб Худойберган Девонов амалга оширган. Унинг таваллуд куни айрим манбаларда 1878, айримларида эса 1879 йил деб кўрсатилган. Худойберган Девонов болалигидан билимга чанқоқлиги ва ижодий истеъдоди билан ажралиб турган, бир нечта тилни мукаммал билган. 1903 йилда Хива миноралари ва одамларини суратга ола бошлаган. Табиийки, ҳар қандай янгилик жамиятда силлиқ қабул қилинмаган. Шу боис илк фотооператорнинг ижодий ишлари дин пешволарининг норозилигига учрайди.

Бироқ Хоразмнинг ўша пайтдаги ҳукмдори Муҳаммад Раҳимхон II ижодкорнинг бу изланишларини қўллаб-қувватлаган. Натижада Худойберган Девонов расм туширишга бўлган қизиқишини янада ривожлантириб, кинематография билан ҳам шуғулланади. 1907-1908 йилларда Москва, Санкт-Петербургдан телескоп, граммофон, фото ва кино асбоблари олиб келиб фотолаборатория ташкил этади. Бу маскан Хоразмда фотокиностудия вазифасини ўтаган ва ўша даврда ўзбек фото ва кино санъатига тамал тошини қўйган. Худойберган Девонов "Ўрта Осиё меъморий ёдгорликлари", "Туркистон кўринишлари"; "Хива ва хиваликлар" каби қисқа метражли фильмларни ишлаган. Қатағон қурбонига айланган Худойберган Девоновнинг ўзбек фотография ва кинематография санъатининг асосчиси сифатидаги фаолияти бугун тадқиқотчилар, ёшларимиз томонидан чуқур ўрганилиши, янги маълумотлар билан бойитилиши лозим.

Худойберган Девонов маърифатпарвар ва ватанпарвар инсон сифатида ўзи яратган кино ва фото асарларида, энг аввало, халқимиз қадриятлари ва урф-одатларини ифодалашга ҳаракат қилган. Ўз ҳунари ва иқтидорини маҳаллий аҳоли фарзандларига ҳам ўргатиш мақсадида мактаб, интернатлар очган: унда фото ва кино санъатининг сир-асрорлари ўргатилган.

— Дарҳақиқат, биринчи ўзбек фотосуратчиси ва кинооператори Худойберган Девоновнинг инсонлар суратини олиш ёки қиёфаларини тасвирлаши дастлаб диний мутаассиблар томонидан кескин қоралланган. У фотография оламига мана шундай мураккаб бир даврда кириб келди, — деди Ўзбекисон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши раиси ўринбосари Феруза Муҳаммаджонова. — Бироқ ҳар қанча мураккаб бўлмасин, у ўзининг фото ва киноасарлари билан ўша давр халқи ҳаёти ва турмуш тарзини тасвирлашга муваффақ бўлди. Айни шу маънода у ўз асарлари билан жамият ҳаётига янгилик олиб кирди. Бу билан ўзбек фотография санъатига пойдевор қўйди. Партиямиз мақсад-вазифаларида миллий тикланиш ғоясини аҳоли, айниқса, ёшлар онгига сингдириш устувор масала саналади. Бу борада мана шундай миллат маънавиятини юксалтиришга салмоқли ҳисса қўшган тарихий шахслар фаолиятини ўрганиш ва тарғиб қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Анжуманда Худойберган Девонов ҳаёти ва ижодий фаолиятининг кўпчилик учун ҳамон номаълум бўлиб келаётган қирраларини ўрганиш ва ёритиш, унинг мероси ва ижодий фаолиятини мустақиллик даври ғоялари асосида кенг тадқиқ ва тарғиб этиш, таваллудининг 140 йиллигини юртимиз бўйлаб кенг нишонлаш борасида таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Бекберган АҲМЕДОВ,
халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи раҳбари:

— Худойберган Девонов тасвирларида Хоразм диёри, Ўзбекистонимиз манзаралари — шаҳар ва қишлоқ кўринишларини ҳар гал кўрганимда, ҳаяжонга тушаман, ўша давр ҳаётини тасаввур қиламан. Унинг фото ва кино асарларида халқимизнинг ўтган асрдаги турмуш тарзи, қайноқ ҳаёт манзаралари, шу билан бирга, маданий мерос объектларининг ўзига хос қиёфалари ҳам муҳрлангани эътиборга молик. Айни пайтда ЎзМТДП Хоразм вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари ҳамда маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари билан ҳамкорликда Худойберган Девонов фаолиятини чуқур ўрганиш, унинг миллатимиз маданиятини ривожлантиришдаги иштирокини кенг тарғиб қилиш мақсадида бир нечта лойиҳа ишлаб чиқишни режалаштирганмиз. Айни пайтда Урганч шаҳридаги кинотеатр, Хива шаҳридаги Худойберган Девонов яшаган кўча унинг номи билан юритилади. Биз ана шу масканларда суратлар кўргазмаси ва ўқув-семинар машғулотлари ташкил қилиш ниятидамиз.

Умида УЗОҚОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Робита

МАҲАЛЛА ТИЗИМИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ

ЎзМТДП ФАОЛЛАРИ ЗИММАСИГА ҲАМ КАТТА МАСЪУЛИЯТ ЮКЛАЙДИ

Юртимизда маҳалла институтининг нуфузини ошириш, фуқаролик жамиятини ривожлантиришдаги иштирокини кенгайтириш, уни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Сўнгги йилларда соҳага оид ҳуқуқий меъёрлар қабул қилиниб, ижтимоий ҳаётга татбиқ этилмоқда. Маҳалла тизимида фаолият юритаётган ходимларнинг малакасини ошириш юзасидан мунтазам ўқув курслари ташкил этилаётир. Айни пайтда мамлакатимизда 10 мингга яқин фуқаролар йиғинлари илгари маҳаллий давлат ҳокимияти органларига тааллуқли бўлган 30дан зиёд ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга молик вазифаларни самарали амалга оширмоқда.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди Платформасида ҳам маҳалланинг фуқаролар, ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, ижтимоий соҳадаги ишларнинг самарадорлигини ошириш, жойларда жамоат хавфсизлиги ва ҳуқуқ-тартиботни яхшилаш, бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишдаги саъй-ҳаракатларини фаоллаштириш вазифаси алоҳида белгилаб қўйилган. Мазкур вазифаларни партия ташкилотлари ва гуруҳларида самарали йўлга қўйишда ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши ҳам фаол иштирок этишга интилмоқда.

Партия Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши билан изчил ҳамкорликни йўлга қўйган. Жумладан, намунавий тарзда шаҳар ва туманлар кесимида ишлаб чиқилган "Маҳалла йўл харитаси"ни амалга оширишда партия республика, туман ва шаҳар кенгашлари ҳамда депутатларимиз ҳудудларда бўлиб, аҳоли муаммоларини ўрганаётгани, уларга ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ечим топаётгани эътиборга молик.

ЎзМТДП фаоллари маҳалла ва оилаларда ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш бўйича тузилган Жамоатчилик назорати гуруҳлари билан биргаликда уйма-уй кириб, фуқаролар билан мулоқотда бўлаётир. 2018 йил ярим йиллигида фуқаролар йиғинларида "Маънавият соатлари" ва "Ҳуқуқий билимлар" ўқув машғулотлари ташкил этилиб, мингдан ортиқ фуқарога Ўзбекистон Республикасининг қонун ва қонуности ҳужжатлари тўғрисида тушунча берилди.

Таъкидлаш жоиз, ёш авлодга замонавий таълим бериш билан биргаликда уларни умуминсоний ва миллий қадриятлар, юксак фазилатлар руҳида тарбиялаш, онги ҳамда қалбини мафкуравий таҳдидлардан ишончли ҳимоя қилиш, уларда ғоявий иммунитет, фаол фуқаролик позициясини шакллантириш масалалари давлатимизнинг доимий диққат-эътиборида бўлиб келмоқда. Ушбу масъулиятли ишларни амалга оширишда "оила — маҳалла — таълим муассасаси" ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, бу омил фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши ва бир қанча ташкилотлар томонидан маҳаллаларда ёшлар, уюшмаган ёшлар билан ишлаш механизмлари бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирлар режаси ижросини таъминлашда муҳим роль ўйнамоқда. Хусусан, уюшмаган ёшларни жамоатчилик ишларига жалб этиш мақсадида бўш иш ўринлари тўғрисидаги маълумотлар ҳар бир фуқаролар йиғинида пешлавҳаларга ўрнатилди ва ёшларимиз ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлаштирилмоқда.

Шунингдек, "Уюшмаган ёшлар билан ишлаш ҳафталиги" доирасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши билан ҳамкорликда "Энг меҳнаткаш ёш оила", "Обод маҳалла", "Патронаж ёшлар ҳаракати", "Биз — соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз" каби лойиҳалар амалга оширилиб, 23 мингдан зиёд ёшлар иштироки таъминланди. Бунинг натижасида профилактик ҳисобда турувчи бир қанча вояга етмаган болалар ва ўсмирлар ушбу рўйхатдан чиқарилиб, ўзаро мулоқотлар асосида соғлом ҳаётга қайтарилди.

Давлатимиз раҳбари қайси ҳудудга борса, албатта, ёшлар масаласини ўртага ташлайди, навқирон авлод вакилларини ўйлантираётган муаммоларнинг туб илдизига эътибор қаратиб, уларнинг ечимини топиш бўйича мутасадди ташкилотларга аниқ топшириқлар беради. Чунки Ватан келажаги, юрт тараққиёти йўлида ёшларни баркамол авлод сифатида тарбиялаш ўта долзарб вазифа саналади. Шу боис ЎзМТДП ташкилотлари ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга партиямиздан сайланган депутатлар маҳалла ёшларининг тақдирига янада кўпроқ аҳамият қаратиши, уларнинг турли соҳалардаги интилишларини янада оширишга ҳисса қўшиши лозим. Бунинг учун маҳалла гузарлари қошида турли тўгараклар билан бир қаторда, уларнинг ишини доимий назорат қилиб борадиган комиссияларни тузиш, мавжудларининг самарали фаолиятини ташкил қилиш орқали уюшмаган ёшлар ижтимоий фаоллигини оширишга кўмаклашиш талаб этилади.

Тожибой РОМАНОВ,
ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси ўринбосари

Тадбир

ОИЛА — ҚАДРИЯТЛАР БЕШИГИ

УНИ АСРАБ-АВАЙЛАШГА КЎМАКЛАШИШ ЎзМТДП ДАСТУРИЙ МАҚСАД-ВАЗИФАЛАРИДАН БИРИДИР

Миллат маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда оиланинг, оилада эса аёлнинг ўрни ва таъсири беқиёс. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 2 февралдаги "Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ижроси мамлакатимиз хотин-қизларининг жамият ҳаётида фаол иштирокини таъминлашда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши "Аёллар қаноти" ташкил этган ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази Тошкент шаҳар бош бошқармаси, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими, соғлиқни сақлаш ва таълим муассасалари вакиллари, Ўзбекистон Миллий университети профессор-ўқитувчилари ҳамда ёшлар қатнашган "Хотин-қизлар ҳуқуқлари — давлат ҳимоясида" мавзуидаги давра суҳбати ҳам шу масалага бағишланди.

Тадбирда ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгаши раисининг оила ва аёллар масалалари бўйича ўринбосари Васила Файзиева юртимизда истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ хотин-қизларга эътибор, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, кенг шароитлар яратиб бериш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланганини таъкидлади. Давра суҳбатида эр-хотин, қайнона-келин муносабатларини тўғри йўлга қўйиш, ёшларни оилага тайёрлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирларга қарамай, мамлакатимизнинг айрим ҳудудлари, жумладан, пойтахтимизда ҳам ёш оилалар ўртасида ажримлар сони ортиб бораётгани, бунда кўпинча аёллар ва болалар жабр кўраётгани ҳаётий мисоллар асосида таҳлил қилинди. Шунингдек, тўй-ҳашам, оилавий тадбирлар ва марҳумлар хотирасига бағишланган маросимларнинг ҳамон дабдабали ўтказилаётгани ачинарли ҳолат сифатида қайд этилди.

— Таҳлиллар бу борадаги саъй-ҳаракатларимизни қайтадан танқидий кўриб чиқиш, расмиятчилик учун учрашувлар ўтказишдан воз кечиб, амалий ишларни кучайтиришимиз лозимлигини кўрсатмоқда, — деди Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази Тошкент шаҳар бош бошқармаси бошлиғи Шоҳида Шомуталова. — Жумладан, энди оила қурмоқчи бўлган ёшлар, ажрим ёқасига келиб қолган оилалар вакиллари билан алоҳида-алоҳида, юзма-юз учрашиб, вазиятни ўрганиш орқали ажримларнинг олдини олиш, ёшлар маънавиятини юксалтириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга ҳисса қўшиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш юзасидан тизимли иш олиб боришимиз жоиз. Айниқса, оилавий муносабатларни мустаҳкамлашда қайноналар билан ишлашга эътибор қаратишимиз керак. Чунки таҳлиллар шаҳримиздаги ажримларнинг аксарияти учинчи шахснинг асоссиз аралашуви, молмулк билан боғлиқ можаролар, ёшларнинг уқувсизлиги, сабрсизлиги оқибатида келиб чиқаётганини кўрсатади. Оилани мустаҳкамлаш — жамиятни мустаҳкамлаш дегани. Бир оиланинг равнақи юрт тараққиётига дахлдор экани ҳам шундан. Шундай экан, бу борада барча мутасадди ташкилотлар қўлни-қўлга бериб, самарали ҳамкорликни йўлга қўйиши лозим. Хусусан, муқаддас оилавий қадриятларни тиклаш, миллий ва маънавий ўзликни англаш, халқимизнинг бой урф-одат ва анъаналарини асраб-авайлашни мақсад қилиб олган Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси билан ҳамкорлигимиз амалий ишларимиз қўламини янада кенгайтиради.

Тадбирда ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгаши ҳамда "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази Тошкент шаҳар бош бошқармаси ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

Лола МИРАЛИЕВА,
ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгаши Ижроия қўмитаси девони етакчи мутахассиси

Спорт — саломатлик гарови

Президентимиз шу йил 20 сентябрь куни жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ривожлантириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказиб, истиқболдаги муҳим вазифаларни белгилаб берган эди. Унда давлатимиз раҳбари аҳоли, айниқса, ёшларнинг жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан шуғулланиши учун шароитлар яратиш борасидаги ишлар яхши йўлга қўйилмагани, дарсдан ташқари вақтларда таълим муассасаларидаги спорт объектларидан барча ёшдаги одамларнинг фойдаланиши ташкил этилмаганини таъкидлади. Айни пайтда масъул ташкилотлар томонидан мазкур вазифаларни самарали амалга ошириш юзасидан бир қанча чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

"ЁШЛАР СПАРТАКИАДАСИ"

ЁШЛАРНИ СПОРТГА КЕНГ ЖАЛБ ҚИЛМОҚДА

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди Платформасида ҳам жисмонан соғлом ва ҳар томонлама баркамол авлодни дунёга келтириш ва тарбиялаш учун янада қулай шарт-шароитларни яратиш ишида ҳамкорлик қилиш устувор вазифа сифатида белгилаб қўйилган. Шу боис партия Марказий ва ҳудудий ташкилотлари ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги ЎзМТДП гуруҳлари бу жараёнда муносиб иштирок этишга интилмоқда. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Наманган вилоят кенгаши, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи, соғлиқни сақлаш бошқармаси ва тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида Наманган муҳандислик-технология институтида ташкил этилган ёшлар спартакиадаси ҳам айни шу мақсадга қаратилди.

— Ўқув юртимизда спортнинг оммавийлигини ошириш учун етарли шарт-шароит ва имкониятлар муҳайё этилган, спорт заллари инвентарлар билан тўлиқ жиҳозланган, фақат улардан самарали фойдаланишни тўғри йўлга қўйиш лозим, — дейди институтнинг жисмоний тарбия ва спорт кафедраси мудири Ғолибжон Аҳмедов. — Қайд этиш керак, айни пайтда институтда спортнинг волейбол, футбол, стол тенниси, баскетбол, қўл тўпи, шахмат, якка кураш турлари бўйича 8 секция фаолият юритмоқда. Уларда 300га яқин ўғил-қиз қатнашмоқда. Қолаверса, ҳар куни талабалар турар-жойида мунтазам эрталабки бадантарбия машғулотлари ўтказилади. Шунингдек, профессор-ўқитувчилар учун мўлжалланган соғломлаштириш гуруҳи ҳам мавжуд. Ҳафтада уч бор ташкил этиладиган икки соатлик машғулотларда ишчи-ходимлар жисмонан чиниқиш имкониятига эга бўлади. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўқув режасига асосан олий таълим муассасаларида ҳозирги кунда жисмоний тарбия ва спорт фани фақат 1-босқич талабалари учун ҳафтада бир марта ўтказилади. Бу дарс соатлари талабалар учун етарли деб айтолмаймиз. Ёшлар ўртасида спортнинг оммавийлигини ошириш, уларни жисмоний тарбия ва спортга кенг кўламда жалб этиш мақсадида дарс машғулотларини юқори босқич талабалари учун ҳам жорий этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ёшлар спартакиадасининг дастлабки арқон тортиш шартида иштирокчилар гуруҳларга бўлинган ҳолда беллашган бўлса, баскетбол саватчасини нишонга олиш, узунликка сакраш ҳамда 100 метр масофага югуриш каби мусобақаларда жамоалар якка тартибда куч синашди. Ҳар бир баҳс муросасиз ва қизғин руҳда кечиб, якуний натижаларга кўра, институтнинг енгил саноат технологияси факультети жамоаси биринчи ўринни қўлга киритди.

Спартакиада доирасида институтнинг ижодкор талабалари ўртасида "Биз соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз!" шиори остида расмлар танлови ҳам ўтказилди. Унда 20дан зиёд ўғил-қиз спорт ва саломатлик мавзусига оид суратлари билан иштирок этди.

Мусобақа ҳамда тарғибот тадбирларида фаол қатнашган гуруҳлар ва талабаларга ЎзМТДП Наманган вилоят кенгаши, институт маъмурияти ҳамда ҳомийларнинг эсдалик совғалари топширилди.

Одилжон МАМАТКАРИМОВ,
Наманган муҳандислик-технология институти ректори, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи раҳбари, Олий Мажлис Сенати аъзоси:

— Ёшлар ўртасида спортнинг оммалашуви уларнинг бўш вақти мазмунли ўтишида, ўз навбатида, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзини ташкил этишда аҳамияти катта. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ривожлантиришга бағишлаб ўтказилган йиғилишдан кейин бир қанча вазифаларни белгилаб олдик. Таъкидлаш жоиз, бу борада ҳали бажарилиши керак бўлган ишлар кўп. Шу боис ЎзМТДП ташкилотлари ва партия гуруҳи фаоллари билан биргаликда институтда жисмоний тарбия ва спортни кенг тарғиб этиш, профессор-ўқитувчилар ҳамда талаба-ёшларнинг спорт билан мунтазам шуғулланишларини тўлақонли таъминлашга қаратилган аниқ чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқдик. Биринчи навбатда, эътиборни спорт секциялари фаолиятини жонлантириш, айниқса, талабаларнинг дарсдан кейинги бўш вақтини мазмунли ташкил этишга қаратмоқдамиз. Институт талабалари орасидан республика ва халқаро спорт ареналарида юқори натижаларга эришиб, Ватанимиз довруғини юксалтиришга қодир спортчи ўғил-қизларни шакллантириш олдимизда турган муҳим вазифалардан биридир.

Маъмуржон ЭРГАШЕВ,
институт талабаси, ЎзМТДП Наманган вилоят кенгаши "Ёшлар қаноти" фаоли:

— Спорт — саломатлик гарови, деган нақл бежизга айтилмаган. Дарҳақиқат, спорт инсон саломатлигини мустаҳкамлаш, жисмонан чиниқиш, руҳан тетик, ақлан баркамол бўлишда беқиёс ўрин тутади. ЎзМТДП Наманган вилоят кенгаши "Ёшлар қаноти" фаоллари ташаббускорлигида ташкил этилган мазкур мусобақа ва тадбирлар ҳам талаба-ёшларни спорт ўйинларига оммавий тарзда жалб қилиш, жисмоний тарбия ва спортни ёшларнинг кундалик турмуш тарзига айлантириш, улар ўртасида соғлом турмуш қоидаларига риоя қилишни тарғиб этишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Бугунги мусобақада спорт борасидаги имкониятларимизни яна бир бор синовдан ўтказишга муваффақ бўлдик. Мусобақалар тенгдошларимизнинг жисмоний тарбия ва спортга бўлган қизиқишини янада оширди, спорт билан шуғулланиш иштиёқини кучайтирди. Буни мусобақа ўтказилганидан кейин спорт машғулотларига қатнашиш истагини билдирган талабалар сони сезиларли даражада ортгани ҳам кўрсатиб турибди.

Дарҳақиқат, бундай спорт ўйинларини кўпроқ ўтказиш жисмоний тарбия ва спортни янада оммалаштиришга, ёшларнинг бўш вақтини унумли ташкил қилишга муносиб ҳисса қўшади.

Оқилхон ДАДАБОЕВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

21 октябрь — Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун

ОНА ТИЛИНИ АСРАШ МИЛЛАТНИ АСРАШ ДЕМАКДИР

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

***

Ҳар куни эрталаб йўналишли таксида (шу ғадир-будур иборага ҳам кўникиб қолдик, таассуфки, "маршрутка"нинг бошқача таржимаси ҳозирча йўқ) ишга келар эканман, таниш манзилга яқинлашганим сари ичимда бир талотўп бошланади. Тушиб қолар манзилимни нима деб айтсам экан, деган ўй гирдобида қоламан.

— Бекатда қолдириб кетинг, — дейман ниҳоят жўраат топиб (қандай кулгили-я, ўз она тилимизда сўз айтиш учун жўраат талаб этилса!).

— Қатта?!

— Бекатда!

Ҳайдовчи бутун тушунмовчилигини салон ичидаги йўловчиларга тўғриланган кўзгуда кўриниб турган икки кўзига жамлаб, қаттиқ тикилади. Шунда йўловчилардан кимдир:

— Остановкада девоттила, — деб тушунтиради.

— Шундай демайсанми, укам? — дейди ҳайдовчи.

Индамай тушиб кетаман. Биламанки, у ортимдан кулиб қолади (балки сўкинар ҳам)...

Мана шундай нигоҳ ва саволомуз қарашларга ҳам анча кўникиб қолдим. Ҳозир ҳеч иккиланмай "бекатда қолдириб кетинг", дейдиган бўлганман. Тўғри, бошида бироз қийин бўлди. Ҳайдовчи тушунмайди, ўзим ўнғайсизланаман. Лекин сир бой бермасликка тиришаман. Ниҳоят ичимдаги иккиланишни енгдим ва шундагина она тилимизнинг қадр-қиммати озгина бўлса-да, тушунган, англаган бўлдим. Бу менинг кундалик ҳаётимдаги миллат тили, унинг қадр-қиммати, шаъни билан боғлиқ биргина ҳолат. Бундай мисоллар эса, афсуски, минглаб топилади.

"Тил — миллат руҳи" деган жумлани кўп эшитамиз ва ишлатамиз.

Хўш, бу нима дегани? Нима учун айнан тил миллатнинг руҳи бўлиши керак?

Гап шундаки, айнан тилда бир миллатга хос жамики хусусият, шаклу шамойил, ўзига хослик, миллийлик жамулжам. Шунинг учун ўзаро яқин ва ҳамжиҳат кишиларга нисбатан "улар тил топишган", деган жумла ишлатилади. Халқимизда яна "фалончининг тилини топиш керак", "қуш тилини қуш билади", деган гаплар ҳам бор. Бунда "тил"нинг "муроса, келишув, сир-асрор" деган маънолари ҳам мавжудлиги кўринади. "Тил" сўзи ўзи билдирадиган маънолар сарҳадсизлиги баробарида ижтимоий ҳодиса сифатида ҳам жамиятда кенг миқёсли вазифа бажаради. Тил руҳий бирлик пайдо этувчи энг муҳим воситадир. Шунинг учун ҳам бир тилда сўзлашувчи кишиларнинг "тил топишиши" осон кечади. Бунинг бари руҳий бирлик эвазига.

Тилнинг миллат, давлат, жамият тараққиётидаги ўрни жуда муҳим, ўта зарур ва долзарб. Зеро, бу тушунчалар ўзаро диалектик боғлиқ ва алоқадордир. Миллат, давлат, жамият тараққий этар экан, унинг она тилига бўлган эътибори ва меҳри кучая боради. Ижтимоий ҳаётдаги тараққиёт тилдаги тараққиётни белгилаб беради.

Тилшуносларнинг маълум қилишича, бугун Ер юзида 7 мингга яқин тил ва лаҳжа бўлса, шулардан бор-йўғи 178 таси давлат тили мақомига эга. Улар орасида ўзбек тили ҳам борлиги — бахтимиз, албатта. Лекин она тилимизга бўлган бугунги муносабатимиз қандай, деган саволга жавоб беришимиз бироз мушкул вазифа бўлиб қолмоқда. Ахир мустақилликка эшик очган "Давлат тили ҳақида"ги қонуннинг қабул қилиниши осон иш бўлмаган-ку?! Дунё халқлари янги даври тарихини кузатсак, уларнинг кўпчилиги миллий мустақиллиги учун курашни ўз она тилига давлат тили мақомини бериш ҳаракатидан бошлаганининг гувоҳи бўламиз. Англиянинг Осиёдаги, Франциянинг Африкадаги, Испаниянинг Жанубий Америкадаги мустамлакалари бўлган давлатларда она тилига давлат тили мақоми бериш учун кураш узоқ йиллар давом этган. Шунинг учун бу қонунни мустақиллигимиз йўлидаги дастлабки қадамлардан бири, улкан сиёсий, тарихий воқеа сифатида эътироф этишимиз, она тилимизнинг қадрига етишимиз зарур.

Бугун кўча-кўйда юрасизми, одамлар билан суҳбат қурасизми, телевизор кўриб, радио эшитасизми (бу қаторга матбуот нашрларини қўшмаганимизни манманликка йўймагайсиз. Тан олиш керакки, матбуотнинг тили бошқа оммавий ахборот воситаларининг тили ёки ёсасини ўзгартириш ва барча реклама ҳамда лавҳаларнинг давлат тилида ёзилишини таъминлаш, улардаги "саводхонлик" даражасини назорат қилиш ва чора кўриш механизмларини ишлаб чиқиш, бу йўналишда Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида "Лингвистик экспертиза ва таржима маркази"ни таъсис этиш зарур. Ушбу марказнинг рухсатисиз ҳеч қандай шаклдаги реклама, кўча лавҳалари ва бошқа турдаги оммага мўлжалланган тарғибот матнлари, йўл ҳаракати белгилари ва ёрлиқларнинг нашр этилишига йўл қўймаслик чоралари кўрилиши лозим.

Она тилимизга давлат тили мақоми берилганига салкам 30 йил бўлишига қарамасдан ушбу масалаларнинг кун тартибига қўйилиши бизни жиддий ўйлантириши керак. Аввало умумтаълим мактабларида она тилимизга эътиборнинг сусайгани сезилмоқда. Ёзма ва оғзаки нутқимиздаги нуқсонлар ялдизи ёзма ишлар — диктант ва иншога эътибор йўқлигига бориб тақалади. Умумий ўрта ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари, академик лицейларда иншо ёзиш тизимини жорий этиш кечиктириб бўлмайдиган вазифалардандир. Нима деб ўйлайсиз, олий ўқув юртларига қабул жараёнида барча таълим йўналишлари учун ўзбек тили ва адабиётидан иншо ёки диктант ёхуд оғзаки шаклдаги ижодий имтиҳонни йўлга қўйиш вақти келмадимикан? Буни ҳам жиддий ўйлашимиз керак.

Ташкилот ва муассасалар қошида ходимлар учун "Ўзбек адабий тили меъёрлари" қисқа ўқув курсларини ташкил этиш, давлат тилида иш юритишни назорат қилиш бўйича мутахассис лавозимини киритиш орқали ўзбек тилидаги расмий ҳужжатларни тил ва услуб жиҳатидан талабга мувофиқлик даражаси ва кўникмасини шакллантириш мумкин.

Чет тилларни ўрганишга рағбат кучайгани сайин она тилимизга бўлган эътибор камайиб бориши кузатилмоқда. Ёшларимиз хорижий тилларни қанча кўп ўрганса, шунча яхши. Бироқ бу она тилини йўқотиш эвазига бўлмаслиги керак. Аксар ҳолларда ўзбек тилини ўрганиш масаласи чет тилларини ўрганиш соясида қолиб кетаётгани ўзбек тили ва адабиёти таълимига эътибор янада кучайтирилиши зарурлигини кўрсатади. Ушбу камчиликни бартараф этиш истисносиз барча олий таълим муассасаларида "мутолаа маданияти", "Ўзбек тили ва адабиёти" фанларини ўқитишни жорий этиш орқали ҳал қилиниши мумкин.

Оммавий ахборот воситалари даврий нашрларини лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида чоп этишга ўтказиш тезликда ҳал қилиниши лозим бўлган масалалардандир. Ноширлар, муҳаррирлар томонидан бизга билдирилаётган фикр-мулоҳазаларга кўра, ҳозирги алифбомиздаги баъзи ноқисликлар, техник ноқулайликлар ҳам бу жараённинг тезлашишига тўсқинлик қилиб турибди.

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини ислоҳ этиш ва имло қоидаларини такомиллаштириш бўйича таклифларни йиғиш ва умумлаштириш бўйича ишчи гуруҳ шакллантирилиб, муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистонда алифбо ва имло қоидаларини такомиллаштириш концепцияси ишлаб чиқилди. Жорий алифбо ва имлодаги ислоҳ қилиш зарур бўлган ўринлар аниқланиб, илмий-амалий таҳлилдан ўтказиб борилди. Ушбу масала ОАВ, Интернет сайтлари ва ижтимоий тармоқларда бир ярим йил давомида муҳокама қилиниб, мутахассислар ва ўзбек тили тараққиётига бефарқ бўлмаган зиёлилардан олинган кўплаб таклиф ва мулоҳазалар ишчи гуруҳ томонидан тизимлаштирилиб борилди. Бугунги кунда биз ўзбек тили алифбоси ва имло қоидаларини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклифларга эгамиз.

Эндиги навбат амалий ишларга ўтишимиз, университетимиз томонидан тайёрланган концепция лойиҳаси ва таклифларни умумхалқ муҳокамасига ҳавола этишимиз керак.

Шуҳрат СИРОЖИДДИНОВ,
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ректори:

— Мустақиллик барча соҳа қатори она тилимиз ва адабиётимиз ривожи учун ҳам беқиёс имкониятлар яратди. 1989 йил 21 октябрда "Давлат тили ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилиниб, она тилимизга давлат тили мақоми берилиши амалда миллий истиқлол сари қўйилган дадил қадам бўлди.

Она тилимизга нисбатан давом этган салкам бир асрлик беписандлик, зўғумдан сўнг содир бўлган бу оламшумул воқеа нафақат тилимиздаги, балки дилимиздаги тугунларни ҳам ечиб юборди.

Таассуфки, давлат тилига берилаётган катта эътиборга қарамасдан, жамоатчиликда она тилимизга эътибор тобора сусайиб бориши тенденцияси кузатиляпти. Бу ҳол, биринчидан, аксар ёшларнинг, ҳатто ёши катталарнинг ҳам ёзма ва оғзаки нутқи ачинарли ҳолда экани, саводхонлик даражаси пастлигида кўринса, иккинчидан, бу борада ҳаммага ўрнак кўрсатиши зарур бўлган оммавий ахборот воситаларининг тили ночорлигида намоён бўлади. Баъзан телевидение ва радиода адабий тил меъёрларига риоя қилинмаётгани, бошловчиларнинг дўппи тор келганда, вазиятдан чиқиш учун "янги ибора"ларни ясаб юбораётгани киши дилини хуфтон қилади. Журналистларимизнинг лавҳаларида, ахборотларида "иложиси", "бежизга" (аслида "иложи", "бежиз" бўлади) каби сўзларни қўллаш, аниқ рақамлардан сўнг кўплик шаклини ишлатиш меъёрга айланиб бораётгани тил тақдирига бефарқ бўлмаган ҳар қандай инсонни ташвишлантиради. Ғалатилиги, "отам томонидан менга пул берилди", демаймиз, "отам менга пул берди", деймиз, бироқ аниқ шахслар ва ташкилотлар бажарган, амалга оширган ишларни ёзма ифодалашда керак бўлса-бўлмаса, "томонидан" сўзини тиркайверамиз.

Жамоат жойлари, хусусан, аэропорт, вокзал, шоҳбекатлардаги ёзув ва кўрсаткичлар, йўл ҳаракати белгилари ҳамон рус тилида бериб борилмоқда. Четдан келган меҳмонлар ва сайёҳлар "инглизча-ўзбекча сўзлашгич" эмас, инглизча-русча сўзлашгичдан фойдаланаётгани обрўмизни кўтармаслиги аниқ. Ҳазрат Алишер Навоий бобомизнинг "Тилга ихтиёрсиз — элга эътиборсиз" деган сўзлари айнан ўзимизга қаратилган дашномдек.

Давлат тилида иш юритиш бугунги талаблар даражасида эмас. Идора ва ташкилотларда иш қоғозларини юритишдаги саводхонлик даражаси ҳақида гапирганда оҳингиз осмонга ўрлаб кетади. Юқори ташкилотлардан тушаётган расмий ҳужжатларнинг ҳамон рус тилида тайёрланаётганини қандай баҳолаш мумкин? Бу, шубҳасиз, миллат фожиаси. Унинг илдизи Ўзбекистон Республикаси "Давлат тили ҳақида"ги қонун етарлича ижро қилинмаётгани билан боғлиқ.

Она тилимиз ва адабиётимиз ривожига тўсиқ бўлаётган бу каби муаммолар ечими борми? Албатта, бор.

Назаримизда, миллий алифбо ва имло қоидаларига айрим ўзгартиришлар киритиладиган вақт етиб келди. 23 йил аввал қабул қилинган алифбо ўша давр талабларига жавоб берган. Ҳаёт ўзгармоқда, давр шиддати, янги технологик имконият ва талаблар, глобаллашув жараёни имло ва ёзув масаласига ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Шу жиҳатдан, имло қоидалари, ёзув ҳам давр, вақт, маданиятлараро коммуникация, глобал ахборот тармоқлари талаблари нуқтаи назаридан ислоҳ қилиниши, ўзгартирилиши табиий жараёндир. Туркийзабон давлатлар, хусусан, Озарбайжон бу соҳада ижобий тажрибага эга. Она тилимизнинг давлат ва жамият бошқарувининг барча бўғинида қўлланиш доирасини кенгайтириш ва тўғри истеъмолда бўлишини таъминлаш бўйича камчиликларни бартараф этиш қийин иш эмас. Бироқ алифбо ва имло қоидаларидаги камчиликларни тузатмасдан уларни амалга ошириш имконсиз. Бу ҳол қатор илмий-услубий чалкашликларни ва моддий-молиявий муаммоларни келтириб чиқариши тайин. Шу боис лотин ёзувига асосланган алифбомизни сўнгги марта, барча илмий ва техник жиҳатларни инобатга олган ҳолда, она тилимиз табиатига мослаб, узил-кесил ислоҳ қилиб олишимиз зарур.

Ўзбекистон Республикасининг "Реклама тўғрисида"ги қонунига ўзгартириш киритиш ва барча реклама ҳамда лавҳаларнинг давлат тилида ёзилишини таъминлаш, улардаги "саводхонлик" даражасини назорат қилиш ва чора кўриш механизмларини ишлаб чиқиш, бу йўналишда Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида "Лингвистик экспертиза ва таржима маркази"ни таъсис этиш зарур. Ушбу марказнинг рухсатисиз ҳеч қандай шаклдаги реклама, кўча лавҳалари ва бошқа турдаги оммага мўлжалланган тарғибот матнлари, йўл ҳаракати белгилари ва ёрлиқларнинг нашр этилишига йўл қўймаслик чоралари кўрилиши лозим.

Она тилимизга давлат тили мақоми берилганига салкам 30 йил бўлишига қарамасдан ушбу масалаларнинг кун тартибига қўйилиши бизни жиддий ўйлантириши керак. Аввало умумтаълим мактабларида она тилимизга эътиборнинг сусайгани сезилмоқда. Ёзма ва оғзаки нутқимиздаги нуқсонлар илдизи ёзма ишлар — диктант ва иншога эътибор йўқлигига бориб тақалади. Умумий ўрта ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари, академик лицейларда иншо ёзиш тизимини жорий этиш кечиктириб бўлмайдиган вазифалардандир. Нима деб ўйлайсиз, олий ўқув юртларига қабул жараёнида барча таълим йўналишлари учун ўзбек тили ва адабиётидан иншо ёки диктант ёхуд оғзаки шаклдаги ижодий имтиҳонни йўлга қўйиш вақти келмадимикан? Буни ҳам жиддий ўйлашимиз керак.

Ташкилот ва муассасалар қошида ходимлар учун "Ўзбек адабий тили меъёрлари" қисқа ўқув курсларини ташкил этиш, давлат тилида иш юритишни назорат қилиш бўйича мутахассис лавозимини киритиш орқали ўзбек тилидаги расмий ҳужжатларни тил ва услуб жиҳатидан талабга мувофиқлик даражаси ва кўникмасини шакллантириш мумкин.

Чет тилларни ўрганишга рағбат кучайгани сайин она тилимизга бўлган эътибор камайиб бориши кузатилмоқда. Ёшларимиз хорижий тилларни қанча кўп ўрганса, шунча яхши. Бироқ бу она тилини йўқотиш эвазига бўлмаслиги керак. Аксар ҳолларда ўзбек тилини ўрганиш масаласи чет тилларини ўрганиш соясида қолиб кетаётгани ўзбек тили ва адабиёти таълимига эътибор янада кучайтирилиши зарурлигини кўрсатади. Ушбу камчиликни бартараф этиш истисносиз барча олий таълим муассасаларида "мутолаа маданияти", "Ўзбек тили ва адабиёти" фанларини ўқитишни жорий этиш орқали ҳал қилиниши мумкин.

Оммавий ахборот воситалари даврий нашрларини лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида чоп этишга ўтказиш тезликда ҳал қилиниши лозим бўлган масалалардандир. Ноширлар, муҳаррирлар томонидан бизга билдирилаётган фикр-мулоҳазаларга кўра, ҳозирги алифбомиздаги баъзи ноқисликлар, техник ноқулайликлар ҳам бу жараённинг тезлашишига тўсқинлик қилиб турибди.

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини ислоҳ этиш ва имло қоидаларини такомиллаштириш бўйича таклифларни йиғиш ва умумлаштириш бўйича ишчи гуруҳ шакллантирилиб, муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистонда алифбо ва имло қоидаларини такомиллаштириш концепцияси ишлаб чиқилди. Жорий алифбо ва имлодаги ислоҳ қилиш зарур бўлган ўринлар аниқланиб, илмий-амалий таҳлилдан ўтказиб борилди. Ушбу масала ОАВ, Интернет сайтлари ва ижтимоий тармоқларда бир ярим йил давомида муҳокама қилиниб, мутахассислар ва ўзбек тили тараққиётига бефарқ бўлмаган зиёлилардан олинган кўплаб таклиф ва мулоҳазалар ишчи гуруҳ томонидан тизимлаштирилиб борилди. Бугунги кунда биз ўзбек тили алифбоси ва имло қоидаларини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклифларга эгамиз.

Эндиги навбат амалий ишларга ўтишимиз, университетимиз томонидан тайёрланган концепция лойиҳаси ва таклифларни умумхалқ муҳокамасига ҳавола этишимиз керак.

Эшқобил ШУКУР,
"Маънавий ҳаёт" журнали бош муҳаррири, шоир:

— Тил маданияти жуда муҳим тушунча. Миллий маданият асоси тил маданиятида намоён бўлади. Бизда тил маданияти мақоми Алишер Навоий, Абдулла Қодирий асарларида белгилаб берилган. Уларни ўқиш ва билиш, амалда тутиш зарур. Бизнинг она тилимиз ҳар қандай талабларга жавоб бера олишини ҳам аллақачонлар боболаримиз исботлаб беришган. Кейинги пайтларда шаҳар кўчаларида дўконлар ва корхоналар номи ажнабий тусда бўлиши ғалати. Бир кўчада 20 та дўкон бўлса, шунинг ярмидан кўпроғи ажнабий сўзлар билан номланган. Ҳолбуки, тилимизда шундай ғаройиб сўзлар борки, улар дўкон-ку дўкон, ундан каттароқ жойлар пештоқини ҳам безай олади. Баъзи хусусий телеканаллар кўрсатувларининг 60 фоизи ажнабийча номланаётганини кўриб яна кўнглинг ғаш бўлади. Менимча, шундай номласак, замонавий бўлиб қоламиз, деб ўйлашса керак-да. Бу замонавийлик эмас, олифтагарчилик! Баъзи эстрада хонандаларимиз телевизорга чиқиб, рус тилида интервью беришади. Бошқа тилларни билиш жуда зарур, жуда керак. Лекин ўзи ўзбек, исми фамилияси ўзбек хонанданинг интервьюсини кимдир ўзбек тилига таржима қилиб туриши одамга ботади-да. Менга бу уятли туюлади. Ўзбекистонда туғилиб, шу заминда яшаб, ўзи ўзбек бўла туриб, ўзбек тилини билмаса, буни қандай тушуниш ва изоҳлаш мумкин. Тилга ҳурмат — элга ҳурмат, дегани.

Мен "Ўзбек тилининг изоҳли луғати" ҳақида гапирмоқчи эдим. 5 жилддан иборат бу китоб 2006 йилда чиққан. Таъбир жоизми, жоиз эмасми, бу китобни ўзбек тилининг муҳим ҳужжати деб айтаман. Чунки унда ўзбек тилида ишлатиладиган 80 мингдан ортиқ сўз изоҳланган. Бу гўё бир мамлакат аҳолисининг рўйхатга олинишига ўхшайди. Рамзий маънода айтадиган бўлсак, бир тилдаги сўзлар шу тилнинг фуқароларидир. Тилнинг изоҳли луғатида маълум маънода шу тилнинг қиёфаси акс этади. Аввало, бу луғатни тайёрлаган олимларимизга раҳмат! Лекин "Ўзбек тилининг изоҳли луғати" учун 80 минг сўз кам. Унга кўп сўзларимиз кирмай қолган. Агар олимларимиз, шоир ва адибларимиз яна бир ғайрат ва жаҳд қилсалар, изоҳли луғатдаги сўзлар сони икки баробар, яъни 160 мингдан ошишига ишонаман. Тўра Нафасов деган заҳматкаш олимимиз "Қашқадарё халқ сўзлари" деган бир китоб чиқарди. Унда изоҳли луғатга кирмай қолган жуда кўп ғаройиб сўзларни учратасизки, бу сўзлар тор доирадаги шевагагина эмас, балки бутун туркий дунёга тааллуқли сўзлар эканини исботлаб бериш қийин эмас. Худди шу каби Фарғона, Хоразм, Самарқанд ва бошқа вилоятларимизда четда қолиб кетган шундай сўзларни йиғиб китоблар қилинса ва улар "Ўзбек тилининг изоҳли луғати"га киритилса, кўп баракали иш бўларди. Тилни бойитиш учун ҳамма ҳаракат қилиши керак. Чунки бу билан миллий тафаккур бойийди. Шу ўринда заҳматкаш олимимиз Шавкат Раҳматуллаев тузган "Ўзбек тилининг этимологик луғати" ҳақида икки оғиз сўз. Этимологик луғатимиз 3 китобдан (туркий, арабий, форсий сўзлар) иборат. Биринчи китоб — туркий сўзлар китобида жами 2 минг 400 сўзнинг этимологияси, ғуб илдизи ҳақида маълумот берилган. Демак, 3 китобда нари бериси 7 минг атрофида сўз ўрганилган. Бу рақам "Ўзбек тилининг этимологик луғати" учун жуда кам. Бу борада ҳам катта ишлар қилиниши керак. Чунки одам сўз илдизига қанчалик яқинлашиб борса, у ўз илдизларига, миллати илдизларига яқинлашиб боради.

Ёшларимизнинг тили масаласида кўп гапиряпмиз. Ёшларда тил ғариблашяпти. Жуда жўнлашяпти. Тил хазинаси саналган ибораларимиз, матал ва мақолларимиз уларнинг тилидан чиқиб кетаяпти. Хўш, ёшлар тилида ибора ва мақолларнинг сақланиб қолиши учун нима қилиш керак? Аввало, ёшлар яхши китобларни кўп ва хўп ўқишлари керак. Бусиз улар тил жозибаси ва моҳиятини англамайдилар. Китоб уларнинг тафаккурини ҳам, тилини ҳам парваришлайди.

Бу мутолаа жараёни фарзандларимизга боғча ва мактаблардан одатга айлантирилиши керак. Боғча опалар, тил ўқитувчилари унутилаётган иборалар, мақол ва маталлар бобида алоҳида машғулотлар олиб бориши зарур. Шунда ғўдаклиқданоқ тилга бўлган эҳтиром, эъзоз шакланади.

Тилнинг тозалиги учун ҳатто оғир даврларда, мустабид тузум даврларида жон бериб курашган боболаримизни эсдан чиқармаслик керак. Уларнинг бу кураши миллат тақдири учун кураш эди.

Нурбой ЖАББОРОВ,
филология фанлари доктори, профессор:

— Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганига қарийб ўттиз йил бўляпти. Эҳтимол, кўҳна тарих учун бу жуда катта муддат эмасдир. Аммо бу фурсатни кичик деб ҳам бўлмайди. Ўтган давр мобайнида биз она тилимиз тараққийси йўлида қандай натижаларга эришдик? Ечимини кутаётган муаммолар нималардан иборат? Табиийки, бу саволлар миллат тақдирига бефарқ бўлмаган ҳар бир кишини, ҳар бир мутахассисни ўйлантиради. Муваффақиятларимиз бор: биринчидан, тилимизнинг халқаро нуфузи сезиларли даражада ошди. Бир қатор хорижий давлатлар олий таълим муассасаларида, жумладан, Хитойдаги Миллатлар марказий университетида, Россия лингвистика мактабида, Америка Қўшма Штатларининг бир қатор университетларида, Киев Миллий университетида, Жанубий Кореянинг Пусан, Хан Кук университетларида ўзбек тили таълим йўналишлари очилиб, хорижлик талаба ёшлар она тилимизни ўрганишга рағбат кўрсатаётгани қувонарлидир. Чет эллик ёшларнинг айримлари мамлакатимизда шу соҳада магистратурада ўқиб, ўзбек тилшунослиги доирасида илмий тадқиқот олиб бораётгани, айниқса, диққатга сазовор.

Иккинчидан, "Давлат тили ҳақида"ги қонун қабул қилинганидан буён ўтган давр мобайнида тилимизнинг қўлланиш доираси чин маънода кенгайди. Қонун қабул қилиниши — тил тараққиётининг ҳуқуқий кафолати. Усиз бир қадам ҳам олдинга юриб бўлмаслиги аён. Шукрки, биз бундай қонунга эгамиз. Лекин тилнинг бор имконияти билан равнақ топиши учун бунинг ўзигина етарли эмас. Бунинг учун камида қуйидаги яна тўрт омил мутаносиблиги талаб этилади:

1) она тили тақдири учун куюниш ҳисси миллатнинг ҳар бир вакили қалбига кўчиши;

2) тил илмининг миллий негизда ривожланиши;

3) замонавий техника-технологиялар ва тилнинг ўзаро тенг таъсир асосида тараққий этиши;

4) миллий адабий тилда яратилган адабиётнинг равнақи.

Мабодо мазкур омиллардан бирортаси мавжуд бўлмаса ҳам тилнинг ривожи ҳақидаги гаплар гаплигича қолиши эҳтимолга яқин. Бунинг учун наинки мутахассислар, шу элнинг ҳар бир фарзанди масъулдир.

Она тили тақдири учун куюниш ҳисси — у хоҳ тилшунос олим, хоҳ раҳбар ёки муаллим бўлсин, хоҳ оддий деҳқон, тижоратчи ёки муҳандис бўлсин — миллатнинг ҳар бир вакили қалбига кўчмас экан, тилнинг равнақи ҳақида гапириш маҳол. Шукрки, куйинаётган олимларимиз, зиёлиларимиз, оддий ватандошларимиз бор. Атоқли шоиримиз Эшқобил Шукур тил хазинасидан жавоҳирлар териб, сўзларнинг этимологияси хусусидаги кўп йиллик изланишларини "Бобо сўз изидан" деган китобга айлантирди. Бу китоб сўзларнинг таржимаи ҳоли, сўзнинг руҳи ҳақидаги китобдир. Ана шундай куюнчаклик керак.

Олдимизда вазифалар кўп. Лекин лотин алифбосига асосланган миллий ёзувга ўтиш бугунги куннинг энг долзарб муаммоларидан бири бўлиб турибди. Ҳамманинг тилида, жонкуярларнинг дилида ана шу муаммо. Дарҳақиқат, буни тезроқ ҳал этмоқ зарур. Бир неча авлод ўрта, ўрта махсус ва олий таълим тизимини ана шу имло асосидаги ёзувда ўқиб битирди. Кириллчадаги "х" ва "ҳ"ни аниқ фарқлаш мақсадида лотин имлосида улар учун бир-бирига ўхшамайдиган алоҳида белгилар қабул қилинган. Бироқ афсуски, уларни фарқламаслик ҳануз давом этаётир.

Салобатли бир ташкилотга боришимга тўғри келди, биргина қаватдаги уч эшикка осилган лавҳалар барчаси ғалати: "Qabulhona", "Hatlar bo'limi", "Xisob-kitob bo'limi". Агар бу ягона ҳол бўлганда-ю, фақат шу муассасадагина учраса эди, унга эътибор қаратилмаса ҳам бўларди. Таассуфки, бундай лоқайдлик, бефарқлик урфга айланяпти. Буларни кўриб, дилингиз ранжиб қайтар эканси, пешонангиз яна бир хатога урилади: "Hush kelibsiz". Ажабо, бу нима дегани? Балки "Ҳушингизга келибсиз" демоқчидир. Кошкийди, тилга, имлога эътиборсиз лоқайдлар ҳушларига келса...

Мутахассислар лотин ёзувидаги ўзбек алифбосини ҳар жиҳатдан тилимиз табиатига мувофиқлаштириш, мавжуд ҳолатига нисбатан такомиллаштириш устида иш олиб бордилар. Бу борадаги ишлар якунланиш босқичида эканидан хабардормиз. Ўйлаймизки, биз замон талаби, миллий эҳтиёжларни ҳисобга олиб қайта ишланган, нисбатан мукаммал ёзувга яқин фурсатда ўтамиз. Бу ёзув асрлар оша она тилимиз тараққиётига хизмат қилишидан умидвормиз.

Олдимизда турган муҳим вазифалардан яна бири ўзбек тилининг ахборот (компьютер) услубини яратишдир. Аксар муаммоларнинг ечими шунга боғлиқ. Зеро, жаҳон андозалари талабларига жавоб берувчи, ҳар томонлама мукаммал, қулай ва оммабоп ахборот услубини яратмасдан, она тилимизни компьютер тилига айлантирмасдан туриб, жаҳон миқёсида кечаётган интеграция ва глобаллашув жараёнида ўзбек тилини дунёвий тиллар даражасига олиб чиқиш қийин бўлади.

"Оинаи ҳар миллат эрур тил-адабиёт", деб ёзган эди ўтган аср аввалида буюк маърифатпарвар Абдулла Авлоний. Дарҳақиқат, тил — миллат ойнаси. Миллатнинг сурати-ю сийрати, тараққиёт даражаси ана шу ойнада акс этади. Уни ванглардан, ғуборлардан сақлаш орқалигина миллатимиз шаънини юксалтиришимиз мумкин. Буни унутишга ҳаққимиз йўқ.

"Milliy tiklanish" мухбири
Исломжон ҚЎЧҚОРОВ тайёрлади.

Дилдаги гаплар

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ — МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ БУЛОҒИ

МИЛЛИЙ ҒОЯ, ДИНИЙ ВА ДУНЁВИЙ ҚАДРИЯТЛАР ХАЗИНАСИ, ЁРУҒЛИККА ЕТАКЛОВЧИ ОЙНА ВА ЙЎЛЧИ ЮЛДУЗДИР

Археолог-тарихчи олим, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, академик Аҳмадали Асқаров Наманган вилоятининг Норин туманида деҳқон оиласида тугилган. У 450дан ортиқ илмий ва илмий-оммабоп ишлар, 17 монография, дарслик ва ўқув қўлланмалар муаллифи. Уларнинг аксарияти рус, инглиз, француз, немис, япон ва хитой тилларида чоп этилган.

Яқинда "Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйи Аҳмадали Асқаровнинг "Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи" асарининг рус тилидаги нашри — "История происхождения узбекского народа" китобини чоп этди. Асарда ўзбек халқининг миллат сифатида шаклланиш жараёни, миллий менталитет тушунчаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари, бой моддий, маданий ва ёзма манбалари чуқур илмий таҳлил қилинган.

Асар ўз ичига ўзбек халқининг тўрт минг йиллик тарихини қамраб олган. Соҳа мутахассисларининг таъкидлашича, мазкур тадқиқот сўнгги йилларда Ўзбекистон тарихи бўйича яратилган энг мукаммал асарлар сирасига киради. Монографияда ўзбек халқи ва унинг давлатчилигига доир қатор муаммоли масалалар кўтарилган, бирламчи манбаларга асосланган янги ғоялар ўртага ташланган. Муаллиф асарида ўз қарашларини дадил баён этади, тарих халқлар ўртасида миллий низолар чиқаришга эмас, балки жамиятнинг муштарак ривожланишига хизмат этиши керак, деган ғояни олға суради.

Китоб олимнинг сўнгги 40 йиллик археологик изланишлари, топилмалари ва уларнинг таҳлили, илмий-ижодий меҳнатининг маҳсулидир.

Қуйида академик Аҳмадали Асқаров билан таниқли журналист, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг мухбири Ирисмат Абдухолиқовнинг "Миллий тикланиш" газетаси учун махсус тайёрланган суҳбатини ҳавола этамиз.

— Аҳмадали ака, аввало, ўзбек ва рус тилларида чоп этилган салкам 700 бетлик фундаментал асарингиз билан табриклаймиз. Айтингчи, бу асарни ёзишдан олдингизга қўйган асосий мақсад нима эди ва унга қай даражада эришдингиз?

— Биласизми, ўзбек элатининг халқ сифатида шаклланиши ва ўзбек давлатчилиги Ўзбекистон тарихининг бош масаласи, шу билан бирга, ўта баҳсли муаммо ҳисобланади. Фанда бу икки масалада турли қараш ва концепциялар мавжуд. Бу муаммо менга мафкуравий тазйиқлар кучайган собиқ иттифоқ даври, яъни салкам 40 йилдан бери тинчлик бермай келади.

Минг қатла шукр, XX асрнинг сўнги чорагида қизил империянинг қулаши билан мустақил давлат бўлдик. Жаҳон тарихида оламшумул ўзгаришлар юз берди. Ўзбекистонни қисқа муддат ичида жаҳон жамоатчилиги мустақил, суверен давлат сифатида тан олди. Аммо, мустақиллигимизга чорак аср бўлишига қарамай, ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи ҳақида тўлақонли ва яхлит бир фундаментал асар яратилмади. Бу, албатта, бежиз эмас. Чунки, аввало, илмий жасорат талаб қилинади, қолаверса, уни яратиш осон иш эмас эди. Ҳолбуки, фанда бу борада чалкаш фикрлар, масалага унинг туб моҳиятини тушунмай қўл уриш ҳолатлари мавжуд бўлган.

Ушбу асарни ёзишга туртки бўлган асосий сабаб, албатта, истиқлол берган эркинлик, қолаверса, Ватанимиз ва халқимизга бўлган садоқат, мутахассис сифатидаги бурчимиз, десак муболаға бўлмайди. Бу муаммонинг илмий ечими гарчи ҳали кўп изланишлар олиб боришни тақозо этса-да, олдимга қўйган мақсадимга эришдим, деб айта оламан.

— Дарҳақиқат, сўнгги 30 йил ичида фундаментал фанлар эътибордан четда қолди. Олимларнинг қанчадан-қанча ғоялари, кашфиётлари қоғозда қолиб кетди. Бугунги кунда илм-фандаги ўзгаришлар ва олимларга яратиб берилаётган имкониятлар тўғрисида ҳам тўхталиб ўтсангиз...

— Сизнинг бу борадаги фикрингизга тўлиқ қўшиламан. Чунки юртимизда фундаментал фаннинг деярли барча соҳаси бўйича жуда катта илмий салоҳият мавжуд эди. Ҳабиб Абдуллаев, Иброҳим Мўминов, Яҳёхон Ғуломов, Собир Юнусов, Ҳадича Сулаймонова, Ҳосил Фозилов, Обид Содиқов, Иброҳим Ҳамробоев, Малик Набиев, Воҳид Зоҳидов, Ғани Мавлонов, Убайдулла Каримов, Ёлқин Тўрақулов, Азизхон Пўлатов, Восил Қобулов каби фундаментал фан дарғалари илмий мактаблар яратган. Мен миллийлик ва байналминалликда ўша авлод тарбиясини олганман. Илм билан шуғулланган ҳақиқий олим фақат турмуш ташвишлари билан банд бўлиб қолиши мумкин эмас. Чунки фундаментал фан доимо давлат ёки ватанпарвар мулкдорлар ҳомийлигида бўлиб келган. Акс ҳолда, фундаментал фандан тегишли натижани кутиш жуда ноўрин, қолаверса, зарур илмий-техника ва моддий шароитлар яратиб бериш ўрнига, уларни эътибордан четлатиш жаҳолатдан бошқа нарса эмас. Бундай муносабат алалоқибат илмсизликни, халқ бойлиги — миллий хомашёни арзон-гаровга сотишни вужудга келтиради, холос.

Кейинги икки йил ичида мамлакатда ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча соҳасида, жумладан, илм-фан ва таълимда ҳам туб ўзгаришлар, шиддатли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Республика Фанлар академияси ва унинг таркибидаги илмий-тадқиқот институтлари қайта тикланди. Физика ядро институти жойлашган Улуғбек шаҳарчаси фундаментал фанлар штабига, замонавий илғор технологиялар билан жиҳозланган илмий-тадқиқот институтлари ва лабораториялари марказига айлантирилмоқда. Мамлакат келажаги, жамият ҳаётининг барча жабҳасини ҳаракатга келтирувчи куч илм-фан ва таълим ривожи билан боғлиқлиги, билим ва янги инновацион технологиялар билан қуролланган етук кадрлар қўлида эканлиги Президентимиз олиб бораётган сиёсатнинг туб мазмунига айланди. Фаннинг фидойи заҳматкашлари ўз меҳнат натижаларига кўра моддий ва маънавий рағбатлантирилмоқда.

— Ўзбекистонда бугун тарих ва археология фанлари олдида турган ва биринчи навбатда ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар нималардан иборат, деб ҳисоблайсиз?

— Ўзбекистон Марказий Осиёда нафақат ер ости маъданлари, балки қадимий маданий мерос захираларига бой жаннатмонанд мамлакат саналади. Бир тадқиқотчи ва педагог олим сифатида юртимизнинг бой маданий мероси, халқимизнинг келиб чиқиш тарихи, унинг илдизлари ва давлатчилигидан, муаммолари ва олдимизда турган ўта долзарб масалалар ҳамда вазифалардан яхши хабардорман.

Тарих ва археология фанлари олдида турган, биринчи навбатда ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, кўп жилдли Ўзбекистон тарихининг охирги фундаментал нашри ўтган асрнинг 60-70 йилларида чоп этилган эди. Мана, бунга ҳам 50 йилдан зиёд вақт ўтибди, бироқ ҳозиргача мукаммал, яхлит тарзда ёзилиб чоп этилмади. Ҳолбуки, бу давр ичида мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий, маданий, маънавий ва сиёсий ҳаётида туб ўзгаришлар юз берди. Уларни бугун танқидий, таҳлилий чиғириқдан ўтказиш, яхлит фундаментал тарих яратишга катта эҳтиёж бор. Бундай фундаментал асар ҳозиргача йўқлиги боис ўрта ва олий таълимда Ўзбекистон тарихини ўқитишда айрим муаммолар, қийинчиликлар юзага чиқмоқда — яратилган дарсликлар талабга жавоб бермайди. Айрим ўта долзарб тарихий муаммолар ҳамон баҳсли, жумбоқ ҳолда бўлиб, ўз илмий ечимини топгани йўқ. Тўғри, бу борада олимлар доирасида қандайдир ҳаракатлар бўлмоқда. Ҳатто кўп жилдли Ўзбекистон тарихининг айрим жилдлари яратилиб, чоп этилди ҳам. Аммо, бу масалада қатъий изчиллик ва ташаббус етишмаяпти. Шу боис бу масала бугунги кунда мамлакат тарихчи ва археологлари олдида турган ўта долзарб муаммодир.

Иккинчидан, ўтган асрнинг 60-йилларигача Ўзбекистонда 10 мингдан ортиқ археологик ёдгорликлар мавжуд эди. Қишлоқ хўжалигини интенсив ривожлантириш туфайли собиқ совет тузуми даврида уларнинг сони 7 минггача қисқарди, яъни текисланиб пахта майдонига, экинлар учун ўғитга айланди. Энг ачинарлиси, бу жараён ҳозир ҳам давом этмоқда. Ҳозирги ҳисоб-китобга кўра, уларнинг сони 5 мингга тушиб қолган. Маданий мерос ҳақида ғурурланиб гапирамиз, лекин амалда эса улар сони йилдан-йилга камайиб бормоқда. Уларни асраш учун янада қатъийроқ бўлишимиз, тишли-тирноқли қонунлар яратилиши керак. Устоз академик Яҳё Ғуломов ўз вақтида айни шу масалани кўтариб чиққани учун сиёсат қурбони бўлди — руҳан эзилиб, оламдан ўтди.

Гапнинг индаллосини айтганда, археологлар олдида турган галдаги ўта муҳим масала — мавжуд ёдгорликларнинг аниқ рўйхатини тузиш, уларнинг кадастрга эга бўлиши. Тўғри, бу осон иш эмас. Қувонарлиси, бу ишга энди киришилган, ҳали ўз якунини топгани йўқ. Аслида бу кенг миқёсли иш бўлиб, Давлат бюджетидан молиялаштирилиши керак. Бунга нафақат бир ёки икки йил, балки кенг қўламли дала амалиёти, автотранспорт, ёнилғи ва экспедиция учун таъминот талаб этилади. Акс ҳолда халқимиз тарихи ва бой моддий маданий меросидан маҳрум бўлиш ҳеч гап эмас.

Археологик ёдгорликларни ички ва халқаро туризм объектларига ҳамда маънавий-мафкуравий кураш қуролига айлантириш масаласи ҳам долзарб. Шу кунгача туристик объектлар ҳақида гап кетганда, асосан, Самарқанд, Бухоро ва кўҳна Урганчда сўнгги ўрта асрлар даврида барпо этилган меъморий ёдгорликларга урғу берилди. Ўзбекистон тарихининг қадимги, илк ва ривожланган ўрта асрлар даври тарихига доир ноёб обидалар — археологик ёдгорликлар зангори осмон остидаги музей сифатида намойиш этилмагани боис, сайёҳларда Ўзбекистон тарихи Амир Темур ва темурийлар давридан бошланади, деган янглиш тасаввур пайдо бўла бошлади. Боз устига, "ўзбек халқи тарихи унинг этник номи Ўрта Осиёда пайдо бўлишидан, яъни Шайбонийхон ва Ўзбекхондан бошланади, унинг давлатчилиги эса ундан ҳам ёш" деювчи касби-кори тарихдан йироқ, халқимиз ва унинг давлатчилик тарихининг мураккаб жиҳатларини тушунмаган "олим"лар Интернет саҳифаларида тез-тез кўринадиган бўлиб қолишди. Афсуски, бунга қарши тизимли илмий ва мафкуравий амалий кураш олиб борилаётгани йўқ. Бу маънавий ва тарихий билим салоҳияти етарли бўлмаган шахслар соҳада раҳбарлик поғоналарига кўтарилиб, билимдон мутахассислар эътибордан четда қолиб кетгани оқибати. Аслида соҳанинг илмий манбаи ноёб археологик ёдгорликлар бўлса-да, уларга эътибор, ўрганиш ва молиялаштириш масаласи ҳамон муаммолигича қолиб келмоқда.

Масалага чуқурроқ ёндашадиган бўлсак, она заминда олиб борилган археологик изланишлар Ўзбекистон ҳудуди одамзоднинг энг қадимги маконларидан бири эканлигини кўрсатади. Бунга асос шуки, Ўзбекистон замини бронза даврида Миср ва Месопотамия каби қадимги Шарқ цивилизацияси

ўчоқларидан бирига айланган. Бу заминда бронза давридан бошлаб суғорма деҳқончилик хўжалиги ва илк шаҳарсозлик маданияти ривожланиб, ўзбек давлатчилигига асос солинган. Сурхондарё вилоятида жойлашган Сополлитепа ва ҳудуди 100 гектардан кам бўлмаган Жарқўтон ёдгорлиги бунга гувоҳлик беради. Жарқўтон ёдгорлигида майдони қарийб 1 гектарга тенг маҳобатли илк зардуштийлик ибодатхонаси очиб ўрганилган. Сополлитепа ёдгорлиги тўлиқ очилиб, Ўзбекистонда бронза даврида нафақат ўтроқ деҳқончилик маданияти, балки узумзор, анжирзор, ўрикзор, жийда ва бодомзор далалари бўлган боғдорчилик ривожланганлигига ишора қилувчи ашёвий далиллар топилган. Ипакчилик, ипак қурти боқишда аждодларимиз қадимги Хитойдан кам эмаслиги, бу икки минтақа аҳолисининг савдо карвонлари лазурит йўли орқали қадимги Бақтрияга кириб келганлиги, Буюк ипак йўлининг жанубий йўналиши бронза даврида Қадимги Бақтриядан ўтганлиги аниқланди.

Она заминимиз қадимда нафақат зардуштийлик диний маркази, балки буддавийлик дини марказларидан бири бўлган. Археологик топилмалар асосида қадимги ёзув маданиятига доир материаллар, яъни арамей алфавитига асосланган суғдий, боҳтарий, хоразмий ва сак ёзувлари бўлганлиги исбот қилинган. "Номаълум ёзув" деб ном олган қадимги туркий ёзув парчалари топилган. Бундан ташқари, антик ва илк ўрта асрларда монументал санъат обидалари, ҳайкалтарошлик санъати, рангли деворий суратлар комплекслари топиб ўрганилган. Уларнинг ҳар бири араблар келгунига қадар аждодларимиз маданияти қанчалар юксак даражада ривожланганлиги ҳақида тасаввур уйғотади.

Ўзбек ва Ўзбекистон деб аталган этник ва этногеографик номлар бу заминда тарих тақозоси билан анча кейин кириб келган бўлса-да, аммо халқимиз ва унинг давлатчилик тарихи жуда қадимий илдизга эга. Бу ҳақда археологик ёдгорликлар, уларда сақланган ноёб ашёвий далиллар яққол гувоҳлик беради. Шундай экан, бу тарихий ҳақиқат — мавжуд археологик обидалар нега ички ва халқаро туризм объектлари сифатида бутун дунёга кенг ошкор ёки намойиш этилмайди?!

Ўзбекистон тарихининг ноёб археологик объекти, дейилганда ҳозиргача фақат қадимги Самарқанд-Афросиёб тушуниб келинди. Ваҳоланки, Ўзбекистондаги ҳар бир вилоятнинг қадимда Буюк ипак йўли бўйлаб ўз пойтахт шаҳри — Афросиёби бўлган. Масалан, Тошкент воҳаси — қадимги Чочда Қанқа ва Суйирлитепа, Фарғона водийсида Ахсикент ва Мингтепа, қадимги Хоразмда Ачҳахонқалъа ва Тупроққалъа, Бухорода Пойкент ва Варахша, Қашқадарёда Ерқўрғон ва Нахшоб, Сурхондарёда Эски Термиз ва Далварзинтепа, Уструшонада Қалиятепа ва Эски Хавостепа ва бошқалар. Ваҳоланки, уларнинг ҳар бири стационар археологик қазилма майдони ва туризм объекти бўлиш ҳуқуқига эга.

Маълумки, ватандошимиз Имом ал-Бухорий Ислом дунёсида ҳадислар султони сифатида юксак қадрланади. Шу боис мустақиллик шарофати билан у дафн этилган маскан мусулмон мамлакатларида "кичик ҳаж" мақомида талқин этилмоқда. Айниқса, Осиё қитъасининг мусулмон давлатларидан ҳаж сафарига отланган зиёратчилар Макка сафарига Бухорийлар юрти — Ўзбекистон орқали бориш истагини билдирган. Шу боис юртимизда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан халқаро туризм объектларини кўпайтириш ва илмий фаолият натижаларини тижоратлаштириш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида фармон ва қарорлар қабул қилинди.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, агар "кичик ҳаж" режаси тўлиқ амалга оширилса, ҳар йили уч миллионга яқин ҳожиларнинг Макка-ю мукаррамага Ўзбекистон орқали бориши йўлга қўйилади. Шу ўринда, хўш, ҳозирги кунда Ўзбекистон уч миллион мусулмон зиёратчиларини бир вақтда қабул қилиш ва уларни Макка-ю мукаррамага кузатиш имкониятига эгами, деган савол туғилиши табиий. Мамлакатимиз Президенти айни шу мақсадда ҳар бир вилоят ҳокимига ўз ҳудудида камида уч-тўрттадан хорижий зиёратчиларни қабул қила оладиган мажмуалар яратиш, уларнинг таркибида масжид, шинам меҳмонхона, сўлим дам олиш оромгоҳлари барпо этиш, сервис хизматларини ташкил этиш, агар мажмуага яқин ҳудудда ноёб меъморий ва археологик объектлар бўлса, уларни зудлик билан ўрганиб, халқаро туризм объектларига айлантириш вазифасини юклади. Бу амалий ишга Фанлар академияси, Маданият вазирлиги ва Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси биргаликда киришиши шарт. Пировардида юртимиз археологик ёдгорликлари ҳисобига яна ўнлаб халқаро туризм объектлари пайдо бўлади. Ундан келадиган даромад ҳисоб-китобини эса иқтисодчиларимиз ихтиёрига ҳавола этамиз.

Юқорида санаб ўтган объектлардан ташқари ҳар бир вилоят ҳудудида бир нечта ўта ноёб археологик ёдгорликлар бор. Масалан, Самарқанд вилоятида Кофир қалъа, Сурхондарёда Узундара ва Қайрит, Тошкент вилоятида Эрташ Дўлана, Жиззахда Зомонтепа ва Тошбулоқ, Хоразм вилоятида Хумбузтепа, Сирдарёда Хавостепа ва бошқалар. Буларнинг ҳар бири ўзбек халқи қадимги тарихи, маданияти, санъат обидалари, давлат дипломатияси, маънавий ва марифий олами ҳақида бебаҳо материалларга бой ёдгорликлардир. Бироқ, афсуски, уларни очиб ўрганиш, айрим ноёб қисмларини пешма-пеш музейларга жойлаштириш иқтисодий танглик туфайли ҳамон муаммо бўлиб қолмоқда.

— Сўнгги йилларда Президентимиз кўплаб фармон ва қарорлар қабул қилаяпти, қарийб барча соҳа фаолияти қайтадан кўриб чиқилмоқда, туб ислоҳот ва ўзгаришлар амалга оширилмоқда, улар орасида тарих ва археологияга бевосита тааллуқли ҳужжатлар ҳам бор...

— Дарҳақиқат, сўнгги пайтда иқтисодий-ижтимоий ҳамда маданий ҳаётнинг барча жабҳаси бўйича бир қанча фармон ва қарорлар қабул қилинди. Мутасадди идоралар тарихий ва маданий меросни асраб-авайлаш, улардан ёшларни маънавий ва маърифий саводхон бўлиб шаклланишида фойдаланиш, мавжуд обида, осори-атиқаларни ички ва халқаро туризм объектларига айлантириш юзасидан тегишли топшириқлар берилди. Бироқ, амалдаги қонунлар, меъёрий ҳужжатларда тарихий ва бой маданий меросни асраш юзасидан йўл қўйилган қонун бузилиши ҳолатларига қарши қатъий чоралар кўриш назарда тутилмаган. Яъни хўжалик мақсадларида бутунбошли археологик ёдгорликни бузиб ташлаган айбдорга арзимас жарима қўлланилади, холос.

Юқорида айтиб ўтганимдек, мавжуд маданий меросимизни асраб қолиш учун қатъийлик, тишли-тирноқли қонун керак. Афсуски, Устоз Яҳё Ғуломов бунинг учун ўша давр сиёсати қурбони бўлган — руҳан эзилиб, оламдан ўтган бўлса, камина давлат қарори асосида "Археологик қўриқхона" деб эълон қилинган қадимги Самарқанд-Афросиёбни қурилиш майдонига айлантиришга қаршилик кўрсатганим учун "совет кийимидаги афғон айғоқчиси" бўлдим, юлғичларнинг нафс балосига қарши курашганим учун эса ноҳақ ишдан ҳайдалдим. Очиқ тан олиш керак, кейинги икки йил ичида мамлакатимизда юз бераётган туб ўзгаришлар тарихимиз хазинаси бўлган археология ёдгорликларини асраш, уларни тизимли ва мунтазам ўрганишга ҳам дахлдор.

— Ўз тарихи ва менталитетини яхши билмаган халқнинг келажаги йўқ, деган фикрга сизнинг муносабатингиз қандай?

— Бу фикрга тўлиқ қўшиламан. Биринчи Президентимиз Ислом Каримов "Тарихий хотирасиз келажак йўқ" асарида шундай деган. Буни барча тарихчи-археолог олимлар қўллаб-қувватлашига ишонаман. Ўзбекистон тарихи бу маънавият ва маърифат булоғи, миллий ғоя, диний ва дунёвий қадриятлар хазинаси, ёруғликка етакловчи ойна ва йўлчи юлдуздир. Аждодларнинг маданий меросидан ҳикоя қилувчи тарих ўгитларини эшитганда юрагинг таскин топади, аждодларга лойиқ инсон бўлишни орзу қиласан ва ҳаётда олға босишга интиласан. Унинг мўъжизакор саҳифалари ҳар биримизни мафтун этади.

— Собиқ совет тузуми даврида халқинг тарихи билан шуғуллансанг, миллатчи, Қуръон тиловат қилсанг, ислом-фундаменталисти, деб таъқиб қилишарди. Бунинг ортидан қанчадан-қанча одамлар жазоланган, қатағонга учраган. Шу боис энди ҳатто миллатимиз тарихини ҳам яхши билмаймиз. Айрим туппа-тузук олимлар ўзбек миллати тарихи Шайбонийхондан бошланади, дейиш билан овора...

— Ҳақ гапни айтдингиз. Бироқ адолат нуқтаи назаридан қараганда, собиқ совет тузуми даврида археологик ёдгорликларни кенг қўламда ўрганиш ишларига мафкуравий тўсиқлар бўлмаган. Аксинча, ёдгорликларни ўрганиш давлат томонидан молиялаштирилган, транспорт, ёнилғи ва экспедиция воситалари билан таъминлашда муаммо бўлмаган. Аммо, олинган бирламчи манбалардан хулоса чиқариш ва уларни талқин қилишда мафкуравий тўсиқ бўлган, яъни миллийликка эътибор беришга йўл қўйилмаган. Мафкуравий қурол собиқ марказнинг қўлида бўлгани, унда атеизмнинг устуворлиги ҳатто мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида ҳам "ислом экстремизми" баҳонасида айрим софдил шахс ва мутахассисларга нисбатан ўз таъсирини ўтказган.

Бироқ айрим олимларнинг ўзбек миллати тарихи Шайбонийхондан бошланади, деган фикрига қўшилмайман. Бу мутлақо хато ва янглиш фикр. Қолаверса, саволда ҳам бироз ноаниқлик бор, яъни айрим "олимлар" ўзбек номи эмас, балки миллати Шайбонийхондан бошланади, дейишади. Ўзбек миллатининг шаклланиши аслида XIX асрнинг охири — XX асрнинг бошларига тааллуқли. Ўзбек номи эса ҳақиқатда Дашти Қипчоқ чорвадор ўзбекларининг Шайбонийхон бошлиқ XVI аср бошларида Моваро-уннаҳр ҳудудларига кириб келиши билан боғлиқ. Лекин бу ўзбек халқининг тарихи Шайбонийхондан бошланади, дегани эмас. Бу ҳақда "Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи" асаримда тўлақонли ва муфассал маълумот берганман...

— Сўнгги 130 йил ичида кўплаб археологик топилмалар мамлакатимиздан четга олиб чиқиб кетилган. Масалан, Лондондаги машҳур Британия музейида "Амударё хазинаси" сақланади. Бошқа давлатларда ҳам турли йўллар билан олиб кетилган осори-атиқаларимиз бор. Уларни юртимизга қайтаришни талаб қилишга қанчалик ҳаққимиз бор ва бу бўйича қандай ишлар амалга оширилаяпти?

— Дарҳақиқат, жуда кўп ноёб археологик материаллар, қадимги санъат дурдоналари, жумладан, Амударё хазинаси ҳам турли даврда хорижий мамлакатларга олиб кетилган. Уларнинг деярли аксарияти музейлардан ўрин олган, мунтазам намойиш этилади. Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида уларни Ватанга қайтариш ҳақида анча шов-шув бўлди, матбуотда мақолалар чоп этилди. Уларнинг аксарияти ҳақиқий дурдоналар, ноёб топилмалар эканлигига шубҳа йўқ. Лекин бир ўйлаб кўринг, уларни ким ҳам осонгина ўз Ватанига қайтаради? Бунга қўникишдан бошқа илож йўқ. Улар бугунги кунда жаҳонга машҳур Британия, Лувр, Метрополитан, Эрмитаж каби машҳур музей экспозицияларини безатиб турибди. Бироқ уларга ёпиштирилган ёрлиқларда, албатта, топилган жойи, мамлакати ёзилади. Улар қаерда, қайси мамлакатда намойиш этилмасин, бизнинг аждодларимиз меҳнати маҳсули экани англашилади. Сайёҳларда бизнинг маданий меросимиз қадимий ва юксак даражада ривожланган маданият ҳосиласи эканлиги ҳақида муайян тасаввур пайдо бўлади.

Шу ўринда бўлган бир воқеани эслатмоқчиман. VII асрга оид ўта нодир Усмон Қуръони бизда, Фанлар академиясига қарашли Тарих музейида сақланар эди. Мустақилликнинг дастлабки кунларида у ҳукумат қарори билан Мусулмонлар диний идораси қутубхонасига олиб кетилди. Бир неча йил ўтгач, Лондондан хабар келди: Усмон Қуръони асл нусхасининг 15 варағи Лондонда кимошди савдосида (ҳар бир варағи 55 минг доллардан) сотилган. Сотиб олинган Қуръон варақлари ҳақиқий ёки сохталигини аниқлаш учун Лондондан сўровнома келган. Текширишларда маълум бўлдики, сотилган ушбу 15 варақ биздаги Усмон Қуръонидан олинган экан. Усмон Қуръони ўз вақтида Академия томонидан акт билан Мусулмонлар диний идорасига топширилганини айтдим: айбдорлар нуфузли дин пешволари бўлиб чиқди ва улар қонун асосида жазога тортилди. Аммо, Усмон Қуръонининг йўқолган ва ўғирланган варақлари ҳозиргача Лондонда қолиб кетмоқда...

— Атоқли давлат арбоби Шароф Рашидов билан Сариосиёдан Термизга самолётда учиб кетаётганимизда "мулла Ирисмат, бир олим ўзбек халқи тарихини икки минг йилга узайтириб берди, "Время"га репортаж қилиб берсангиз яхши бўларди", деб қолди. Кейин билсам, у киши айтган олим сиз экансиз. Ушбу кашфиётнинг тарихи ҳақида гапириб берсангиз...

— 1982 йилнинг куз фаслида Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманида Бўстонсойнинг чап соҳилида бронза даврига оид Жарқўтон деб аталган ёдгорликда ер сатҳидан уч метрлар чамаси чуқурликда қабила сардорининг қабрини очаётган эдим. Қабр майдони 5 квадрат метр, унинг ичи сопол идишлар (ваза, бақал, коса, нимкоса, хумча, кўзалар ва кўзасимон идишлар), бронзадан ясалган турли хил ашёвий далиллар, қимматбаҳо тошлардан ясалган тақинчоқлар, бронза тўғнағич ва билакузуклар, пичоқ ва заргарлик предметлари билан тўла эди. Иш билан банд бўлиб нуфузли меҳмонларнинг келганини сезмай қолибман. Археологик объектга Ўзбекистон раҳбари Шароф Рашидов билан Сурхондарё вилояти партия ташкилоти биринчи котиби Абдуҳолиқ Каримов ташриф буюрган эди. Қисқа суҳбатдан сўнг, кечга Термиз шаҳридаги обкомнинг дачасига республика раҳбари билан учрашувга таклиф қилиндим. Учрашув чамаси уч соатлар давом этди. Суҳбат давомида Шароф Рашидов мени обдон имтиҳон қилди. Имтиҳондан аъло баҳо билан ўтдим шекилли, у киши мени янги кашфиёт билан самимий табриклади.

Ўшанда Шароф Рашидовда Ватанга бўлган муҳаббат, маданий меросни ўрганиш, уни асраб-авайлашга бўлган садоқатнинг нақадар юксаклигини пайқадим. У кишининг ҳар бир саволи илмий асослилиги билан ажралиб турар эди. Топилмалар шунчалар нафис, мукаммал шакл-шамойилга эга, юксак санъат даражасида ишланган эдики, уларни ясаган аждодларимизга офарин дейсиз. Даврий жиҳатдан улар милоддан аввалги II минг йилликнинг бошланишига тегишли бўлиб, Ўзбекистон ҳудудлари қадимги Шарқ цивилизациясининг таркибий қисми бўлганлигидан далолат берар эди. Мен очиб ўрганган бу обидалар Сополлитепа ва Жарқўтон ёдгорликлари бўлиб, улардан топилган материаллар асосида ўзбек давлатчилиги ҳамда илк шаҳар маданияти роппа-роса икки минг йилга, ипакчилик, пахтачилик ва боғдорчилик хўжаликлари ҳам Ўзбекистонда камида шунча йилга қадимийлаштирилди. Буларни диққат билан эшитган Шароф Рашидов, ушбу материаллар базасида Шерободда, Жарқўтон ёдгорлиги жойлашган маконда археология музейини ташкил этишни таклиф қилди. 1983 йилнинг май ойида музей ташкил этилди ва унинг очилиш маросимида республика раҳбари шахсан қатнашди. Қолаверса, журналист Ирисмат ҳам ўзига юклатилган топшириқни аъло даражада бажарди.

(Давоми келгуси сонда)

Бизнинг шарх

ФРАНЦИЯ ПАРЛАМЕНТИ

ИККИ ПАЛАТАЛИ БЎЛИБ, МИЛЛИЙ МАЖЛИСДА 577 ДЕПУТАТ, СЕНАТДА ЭСА 348 СЕНАТОР ФАОЛИЯТ ЮРИТАДИ

Франция Республикаси Ғарбий Европада жойлашган. Ғарбда ва Шимолда Атлантика океани ҳамда Ла-Манш бўғози, жанубда Ўрта ер денгизи билан ўралган. Шимоли-шарқдан Бельгия, Люксембург ҳамда Германия, Шарқдан Швейцария, Жануби-шарқдан Монако ва Италия, Жануби-ғарбдан Испания ҳамда Андорра билан чегарадош. Майдони — 547 минг 30 квадрат километр. Аҳолиси — 66,9 миллион киши. Расмий тили — француз. Пойтахти — Париж шаҳри.

Маъмурий жиҳатдан 18 ҳудуд, 101 департаментга бўлинган. Пул бирлиги — евро. Амалдаги Конституцияси 1958 йили референдумда қабул қилинган. Давлат бошлиғи — Президент. Қонун чиқарувчи хокимият — парламент, икки палата (Миллий мажлис ва Сенат)дан иборат. Ижро ҳокимиятни Президент ҳамда Вазирлар кенгаши (ҳукумат) амалга оширади. Франция Европа Иттифоқига асос солган давлатларидан бири саналади.

Миллий мажлисда беш йил муддатга сайланадиган 577 депутат, Сенатда олти йил муддатга сайланадиган 348 сенатор фаолият юритади. Сенат таркибининг ярми ҳар уч йилда янгиланади. Шунга мувофиқ равишда унинг раиси ҳам ҳар уч йилда сайланади. Миллий мажлис раисининг ваколат муддати депутатлар каби беш йил этиб белгиланган. Президент фақат қуйи палатани тарқатиб юбориш ваколатига эга.

Қуйи палатада партия фракция тузиш учун камида 20 нафар депутатга эга бўлиши шарт. Ҳар бир палатада доимий, махсус, назорат ва тафтиш комиссиялари тузилади ва улар ишчи органлар ҳисобланади. Депутат ва сенаторлар дахлсизлик ҳуқуқига эга. Улар парламент рухсатисиз жиноий жавобгарликка тортилиши ёки қамоққа олиниши мумкин эмас.

Парламент сессияси октябрь ойининг биринчи иш кунидан бошланиб, кейинги йил июнь ойининг сўнгги иш кунигача давом этади. Парламент мажлисларини ўтказиш куни ва вақтини ҳар бир палата ўз регламентига мувофиқ белгилайди. Парламент Бош вазир ёки Миллий мажлис аъзоларининг кўпчилик қисми талаби билан навбатдан ташқари сессия ўтказади. Ҳукумат аъзолари иккала палатанинг ҳам мажлисида иштирок этиши мумкин. Парламент мажлислари очиқ-ошкор тарзда ташкил этилади. Ҳар бир палата Бош вазир ёки ўз аъзоларининг ўндан бир қисми талаби билан ёпиқ мажлислар ҳам ўтказади.

Парламент ҳамда ҳукумат қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга. Одатда, қонунлар уч ўқишда қабул қилинади. Қуйи палата қабул қилган қонун юқори палатага тақдим этилади. Палаталар қабул қилган қонун Президентга юборилади. Давлат раҳбари парламент қабул қилган қонунни кўриб чиқиб, 15 кун ичида имзолаши лозим. Президент қонунни қайта кўриб чиқиш учун ўз эътирозлари билан парламентга қайтаришга ҳақли. Агар парламент аъзоларининг кўпчилик қисми қонунни дастлабки кўринишда қайта маъқулласа, Президент уни имзолаши шарт. Давлат раҳбари парламент тақдим этган ҳар қандай қонунни Конституцияга қанчалик мувофиқ келиши масаласига ойдинлик киритиш мақсадида уни кўриб чиқиб, хулоса бериш учун Конституциявий кенгашга тақдим этиши мумкин.

Францияда сайлов кунигача 18 ёшга тўлган мамлакат фуқароси овоз бериш ҳуқуқига эга. 23 ёшга тўлган фуқаро депутат, 35 ёшга тўлган фуқаро сенатор сифатида сайланишга ҳақли. Мамлакатда 577 сайлов округи тузилади. Депутатлар мажоритар сайлов тизими асосида бир мандатли округлардан сайловчиларнинг энг кўп овозини олиш воситасида сайланади. Ҳар бир партия сайловда депутат билан бирга унинг ўринбосари номзодини ҳам илгари суради. Бунинг боиси сайланган депутат турли сабаблар (вазир лавозимини эгалласа, вафот этса ёки бошқа важлар) билан ишдан кетган тақдирда ўринбосар унинг ўрнини эгаллайди. Депутат ва унинг ўринбосарлигига номзод битта округдан кўрсатилиши шарт.

Биринчи турда ғалаба қозониш учун округдан рўйхатдан ўтган сайловчиларнинг мутлақ кўпчилик овозини (бироқ 25 фоиздан кам бўлмаслиги лозим) қўлга киритиш талаб этилади. Борди-ю, номзодларнинг бирортаси ҳам сайловчиларнинг мутлақ кўпчилик қисми овозини қўлга кирита олмаса, бир ҳафтадан сўнг қайта сайлов ўтказилади. Биринчи турда сайловчиларнинг камида 12,5 фоиз овозини қўлга киритган номзодларгагина иккинчи турда иштирок этишга рухсат берилади. Иккинчи турда сайланиш учун сайловчиларнинг нисбатан кўпчилик овозини қўлга киритиш талаб этилади. Агарда номзодлар тенг овозни қўлга киритса, улар орасида ёши улуғ номзод ғалаба қозонган деб топилади.

2017 йилнинг 11–18 июнь кунлари Францияда парламент сайловлари бўлиб ўтди. Унинг биринчи турида "Олға, Республика!" партияси сайловчиларнинг 28,21 фоиз, у билан ягона альянс таркибига кирувчи Демократик ҳаракат партияси эса 4,12 фоиз, ўнг йўналишдаги Республикачилар партияси 15,77 фоиз овозини қўлга киритди. Қолган сиёсий партиялар эса етарли овоз йиға олмади.

18 июнда ўтказилган сайловнинг иккинчи турида "Олға, Республика!" партияси 308 депутатлик мандатини қўлга киритиб, ғалаба қозонди. Мазкур партия билан бир альянсда бўлган Демократик ҳаракат партияси эса 42, Республикачилар партияси 112 мандатни қўлга киритди.

Бу галги сайловда парламентга сайланган аёл депутатлар сони бўйича рекорд натижа қайд этилди. Агар 2012 йили бўлиб ўтган сайловда 155 аёл депутат этиб сайланган бўлса, ўтган йили қуйи палатадаги 577 депутатлик ўрнининг 223 тасини хотин-қизлар эгаллади. Бу парламент аъзолари умумий сонининг қарийб 40 фоизи дегани. Сайланган депутатларнинг ўртача ёши 48 ёшни ташкил этди. 424 нафар (73 фоиз) депутат қуйи палата аъзолигига илк бор сайланди.

Бугун Франция парламентида энг кўп депутатлик ўрнига эга "Олға, Республика!" партиясига 2016 йилнинг 6 апрелида "Олға" деган ном билан мамлакатнинг амалдаги Президенти Эммануэль Макрон асос солган. Ўтган йили партия "Олға, Республика!" деб қайта номланди. Айни пайтда партиянинг 339 минг 751 аъзоси бор. Партия номзодлари сайловолди ташвиқоти жараёнида меҳнат ҳамда нафақа қонунчилигига ўзгартиш киритиш, терроризмга қарши янги қонун қабул қилиш, давлат харажатлари миқдорини камайтириш билан боғлиқ қатор ташаббус ва мақсад-вазифаларни илгари сурди.

Ўзбекистон билан Франция ўртасидаги алоқалар ҳар томонлама, хусусан, парламентлараро муносабатлар соҳасида ҳам жадал ривожланмоқда. 2008 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида парламентлараро ҳамкорлик гуруҳи тузилган, 2010 йилдан Олий Мажлис Қонунчилик палатасида "Ўзбекистон — Франция" дўстлик гуруҳи фаолият олиб бормоқда. Шунингдек, 2008 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ва Франция инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси ўртасида ҳамкорлик битими имзоланган.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев шу йилнинг 8–9 октябрь кунлари Францияга амалга оширган расмий ташрифи доирасида Франция Республикаси Сенати раиси Жерар Ларше билан ҳам учрашди. Давлатимиз раҳбари Сенат раисини самимий қутлар экан, уни Бешинчи Франция Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 60 йиллиги билан табриклади. Ушбу сана муносабати билан юртимизда ўзбек ва француз тилида чоп этилган Франция Конституциясининг илк нусхасини совға қилди. Жерар Ларше бу китобни катта мамнуният билан қабул қилди.

Учрашувда мамлакатларимиз парламентлари ўртасидаги ҳамкорлик, айниқса, улардаги дўстлик гуруҳлари туфайли анча фаоллашгани мамнуният билан қайд этилди. Парламентлараро алоқаларни аниқ йўналишлар бўйича, жумладан, қўшма тадбирлар ва ўзаро ташрифларни мунтазам ташкил этиш, тажриба алмашиш орқали ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Бу мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасида турли соҳалардаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтиришга хизмат қилиши таъкидланди. Давлатимиз раҳбарининг Францияга илк расмий ташрифи узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган амалий ҳамкорликнинг, жумладан, мамлакатларимиз парламентлари ўртасидаги алоқаларнинг янги йўналишларини белгилаб олишга хизмат қилиши қайд этилди.

Жерар Ларше Франция Сенати Ўзбекистон билан дўстлик ришталари, ҳар томонлама самарали шерикликни мустаҳкамлаш йўлида парламентлараро алоқаларни янада ривожлантириш ва уларга тизимли тус беришга тайёр эканини таъкидлади.

Шаҳзод ҒАФФОРОВ,
халқаро шарҳловчи

Таълим ва тараққиёт

ЎЗБЕКИСТОН — РОССИЯ:

ОЛИЙ ТАЪЛИМ СОҲАСИДА ИСТИҚБОЛЛИ ҲАМКОРЛИК

Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишлари ҳамда халқаро стандартлар талабларига мос келадиган олий таълим тизимини шакллантириш юзасидан кенг қамровли амалий ишлар қилинаётир. Олий таълимнинг сифат ва самарадорлигини оширишда, айниқса, хорижий давлатлар таълим тизими тажрибасидан оқилона фойдаланиш, улар билан изчил ҳамкорликни ўрнатиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу жараёнда давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 5 июндаги "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир.

Буни бугун Наманган муҳандислик-технология институтининг фаолияти мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Таълим муассасаси жаҳоннинг нуфузли олий таълим даргоҳлари билан ҳамкорликда малакали кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратмоқда. Хусусан, Россия Федерациясининг етакчи ва нуфузли олий таълим муассасалари билан изчил ва истиқболли ҳамкорлик йўлга қўйилган ва у бугун ўз самарасини бермоқда.

— Бугунги кунда институтимиз Россиянинг Урал давлат федерал университети, Урал давлат аграр университети, Урал давлат иқтисодиёт университети, Урал давлат педагогика университети, Челябинск давлат университети, Жанубий Урал давлат университети, Саратов давлат университети билан икки томонлама ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган, — дейди Наманган муҳандислик-технология институти ректори, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси гуруҳи раҳбари, Олий Мажлис Сенати аъзоси Одилжон Маматкаримов. — Бу ҳамкорлик келишувларига 2017 йилнинг март ойида Россиянинг Свердловск ва Челябинск областларига вилоятимиз делегациясининг ташрифи чоғида эришилган эди.

Икки томонлама имзоланган Челябинск области ва Наманган вилояти ўртасидаги аҳдлашув меморандуми натижасида Челябинск области губернатори Борис Дубровский бошчилигидаги делегация шу йилнинг май ойида Наманган вилоятига келди. Делегация аъзолари олий таълим йўналишидаги ҳамкорлик борасида ҳам бир қатор истиқболли лойиҳаларни кўриб чиқдилар.

Наманган муҳандислик-технология институтида Челябинск областининг таълим ва фан министри Александр Кузнецов раҳбарлигидаги соҳа вакиллари иштирокида ўтказилган учрашувда таълимнинг инновацион усуллари ва технологияларни жорий этишдаги амалий ҳаракатлар ҳақида фикр алмашилди. Россиядаги нуфузли хусусий таълим муассасаларидан ҳисобланган Дизайн ва сервис халқаро институти масъул раҳбарлари замонавий таълим ҳамда энг талабгор касбларни эгаллаш, бундай мутахассисларни тайёрлаш борасидаги тавсиялари билан ўртоқлашди. Шунингдек, Россиядаги олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун тайёрлов юзасидан "Образование без границ" масъулияти чекланган жамиятининг тақдимоти ўтказилди. Наманган вилоятидаги олий таълим муассасалари билан кадрлар тажрибасини ошириш ҳамда мутахассис тайёрлаш борасида ўзаро ҳамкорлик юзасидан келишувга эришилди.

Ўтган йилги келишувимизга кўра, ҳозирда икки нафар илмий тадқиқотчимиз Челябинскдаги нуфузли олий таълим муассасаларида докторлик диссертацияси даражаси учун таҳсил олмоқда. Россиялик ҳамкасбларимиз билан магистратура босқичида ҳам ҳамкорлик қилиш, шунингдек, меҳмонхона хизмати, дастурий таъминот таълим йўналишлари бўйича малака ошириш, тажриба алмашишга келишиб олинди.

Шу йилнинг июнь ойида институтнинг уч нафар олими Россиянинг Тюмен областидаги Сургут давлат университетида бир ҳафта давомида тажриба алмашди. Икки томонлама илмий-тадқиқот ишларини йўлга қўйиш юзасидан амалий музокаралар олиб борди.

Таъкидлаш жоиз, яқин ва истиқболли ҳамкор давлат — Россия Федерациянинг Президенти Владимир Путиннинг мамлакатимизга давлат ташрифи доирасида ўтказиладиган икки мамлакатнинг нуфузли олий таълим муассасалари раҳбарлари иштирокидаги Таълим форумида бу борадаги ўзаро манфаатли алоқаларимиз аудиторияси ва кўлами янада кенгайиши, бир қатор ҳамкорлик келишувлари имзоланиши кутилмоқда.

Мухтасар айтганда, Наманган муҳандислик-технология институти ва Россиянинг етакчи ва нуфузли олий таълим даргоҳларининг ўзаро таълим сифати ва самарадорлигини янада такомиллаштиришга хизмат қилмоқда.

Равшанжон ИСМОИЛОВ,
Наманган муҳандислик-технология институти саноат ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва иқтисоди кафедраси мудири, иқтисод фанлари номзоди, доцент:

— 1993 йилда ташкил топган Сургут давлат университети Россияда ўз ўрнига эга нуфузли таълим даргоҳларидан бири ҳисобланади. Унинг таркибида политехника, табиий фанлар, юридик, иқтисодиёт ва бошқарув, тиббиёт йўналишлари бўйича 5 та институт фаолият юритади. Университетда 10 мингдан зиёд талаба 20га яқин мутахассислик бўйича таҳсил олади. 450 нафардан ортиқ аспирант илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланади. Университет жойлашган Сургут шаҳрининг нефт-газ ишлаб чиқариш салмоғи Россия Федерацияси ялпи ички маҳсулотининг 27 фоизини ташкил этади. Бундан ташқари, бу шаҳарда энг йирик гидро ва электростанциялар жойлашган бўлиб, қуввати ва кўлами жиҳатидан жаҳонда иккинчи ўринда туради.

Икки томонлама мулоқотлар жараёнида Ўзбекистонда ёшлар таълим-тарбияси, хусусан, олий таълим соҳасида малга оширилаётган тубислоҳотлар, давлатимиз раҳбарининг соҳага доир қабул қилган фармон ва қарорлари мазмун-моҳияти, унда белгиланган мақсад-вазифалар ҳақида атрофлича маълумот бердик.

Сургут давлат университети ректори Сергей Косенок Ўзбекистон раҳбарининг олий таълим соҳасини тубдан ислоҳ этиш, илм-фаннинг инновацион ғоя ва ишланмаларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этишга қаратилган фармон ва қарорларидан хабардор эканини, соҳада амалга оширилаётган шиддатли ислоҳотлар ўз самарасини бераётганини алоҳида таъкидлади.

Учрашувимиз самараси ўлароқ икки олий таълим даргоҳи ўртасида профессор-ўқитувчилар, аспирант-докторантлар ва талабаларнинг тажриба алмашиши, биргаликда илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, ўқув-услубий қўлланма ва дарсликлар яратиш, икки томонлама илмий-амалий конференциялар ташкил этиш бўйича меморандум ва келишувлар имзоланди. Иқтисодиёт, муҳандислик технологиялари, электр энергетикаси, автоматика, информатика, кимё технологиялари таълим йўналишлари бўйича амалий ҳамкорлик ўрнатилди. Институтимизга иқтисодиёт ва технология соҳаларига оид 200га яқин электрон ўқув адабиётлари тақдим этилди.

Равшанжон АБДУЛЛАЕВ,
Наманган муҳандислик-технология институтининг Саратов давлат техника университети қўшма таълим йўналиши координатори, техника фанлари номзоди, доцент:

— Таълим муассасамиз Саратов давлат техника университетининг Энгельс технология институти билан ҳам яқин ҳамкорлик ўрнатган. Икки давлат олий таълим муассасалари раҳбарияти билан келишувга асосан кимёвий технология, технологик машина ва жиҳозлар ҳамда технологик жараёнларни ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ҳамда бошқариш таълим йўналишларида ҳамкорликда кадрлар тайёрлаш учун талабалар қабули амалга оширилди. Қўшма дастурда талабалар икки йил Ўзбекистонда, шунча муддат Россияда таҳсил олади ва унинг якуни бўйича икки томонлама тан олинадиган диплом бериш кўзда тутилган. Учта қўшма таълим йўналишининг ҳар бирига 20 тадан қабул квотаси ажратилган бўлиб, уларда 60 нафар талаба таҳсил олади. Жорий ўқув йилида ушбу таълим йўналишларида дарс бериш мақсадида Россиядан уч нафар малакали профессор жалб этилди. Таълим рус тилида олиб борилмоқда.

Яқинда қўшма дастур синов имтиҳонларини қабул қилиш мақсадида келган Саратов давлат техника университетининг Энгельс технология институти профессори Марина Кардаш институтимиз профессор-ўқитувчилари ва талабалари учун мастер-класс ўтиб берди. Келгусида ҳар иккала олий таълим муассасалари ўртасидага ҳамкорлик доирасида енгил саноат ва технология соҳасининг менежмент мутахассислиги бўйича ҳам қўшма таълим йўналишини очиш режалаштирилган.

Нобель ШАМСИДДИНОВ,
Наманган муҳандислик-технология институтининг қўшма таълим йўналиши 1-курс талабаси:

— Кимё технологиясига болалигимдан қизиқаман. Мамлакатимизда биз ёш авлод вакилларининг илму фанни чуқур ўзлаштириш, инновацион ғоя ва ташаббусларимизни амалга ошириш учун барча шарт-шароит яратилган. Россия Федерациясининг қатор университетлари билан ҳамкорликда Наманганда қўшма таълим йўналиши очилгани орзу-интилишларимни амалга ошириш йўлида айни муддао бўлди. Айни пайтда институтда устозлардан теран билим олиш асосида полимер маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича тадбиркорлик фаолиятимни бошлаш ниятидаман. Талабаликнинг учинчи босқичидан бошлаб Россиянинг нуфузли компаниялари, завод ва фабрикаларида ўқув-амалиётларини ўташимиз назария ва амалиётнинг уйғунлигини таъминлашда муҳим ўрин тутиши, шубҳасиз.

Оқилхон ДАДАБОЕВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

MILLIY TIKLANISH
42 (526) 2018 йил 17 октябрь, чоршанба

Замонамиз зиёлиси

ЗИЁЛИ ОДАМНИ КЎЗГУГА МЕНГЗАШ МУМКИН...

Ҳар қандай замонда ҳам одамларни тўғри йўлга бошлай оладиган, миллат тақдирини ўз тақдири деб биладиган, шу халқни ҳеч қандай таъма ва манфаатсиз сева оладиган инсонлар бўлади. Уларга шундай бир илоҳий неъмат ато этилганки, она Ватанга, халқига бўлган меҳри вақт ўтган сайин ортиб бораверади. Ҳа, юртга бўлган муҳаббат — улуг неъмат. Мана шу улугликка эришган инсонлар чинакам зиёлилардир.

Қуйида истеъдодли ёзувчи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Луқмон Бўрихоннинг замона зиёлиси қандай бўлиши, таъбир жоиз бўлса, унинг сифат ва "сертификати" қанақа белгилардан таркиб топмоғи лозимлиги ҳақидаги фикрлари билан танишасиз.

Ижодкор ва унинг зиёлилик мақоми қандай бўлмоғи керак?

Шоир-ёзувчилар ҳақида гап кетганда, кўпинча уларни лўнда қилиб ижодкорлар, деб аташади. Баъзан ўйланиб қоламан: бу қанчалик тўғри? Чунки ижоднинг, ижодкорликнинг масъулияти катта. Шоир ё ёзувчи гоҳо қоғоз қоралайман, деб ўзини "қоралаб" қўйиши ҳам мумкин. Масалан, унинг битиклари шиорбозликка, сохта баландпарвозликка, қарсакбозликка қоришиб қолса, биз юқорида тилга олган масъулиятни, жавобгарликни ҳис этмаган бўлади. Мана шу нуқтада ёзарманнинг қандай "ижодкорлиги" масаласи равшан торта бошлайди.

Ижод, бу барчага жўр овоз бўлиш, ҳаммага маълум ҳақиқатни сийқа, саёз тарзда яна қайта такрорлаш эмас, балки воқеликка ҳеч кутилмаган тарафдан теран, мушоҳада-мулоҳазага бой тарзда ёндошишдир, оддий, ҳамма кўникиб кетган манзаралардан ҳам янги қирралар, янги ранглар, янги мазмун-моҳият топа билишдир. Истеъдоднинг, иқтидорнинг нечоғлик улканлиги, унинг куч-қудрати айнан шу ўринда билинади. Фавқулодда топқирлик, топганини маҳорат билан ифодалаб бериш ижодкорга олам-олам завқ-шавқ улашади, кўнглини тоғдай кўтаради. Мана бу эса ижод лаззати дейилади.

Ижодкорнинг зиёлилик даражаси эса юқорида айтганимиздек, жўровоз бўлмасликда кўринади. Масалан, ҳамма учун кулгули, енгил-елпи туюлган бирор ҳангомадан ҳам оғриқли, залворли жиҳатларни илғай олиш, фожиаларни кўра билиш чинакам ижодкорга хос хусусият саналади. Ва шу жиҳат унинг асарларига ҳам сингиши керак. Умуман ижодкорнинг чинакам зиёли бўлмоғи жуда муҳим деб ўйлайман. Чунки у сўзни ҳис эта олади, бу эса ижодкорнинг энг катта қуроли. Мана шу қурол билан эса қанчадан-қанча қалбга зиё улашиш мумкин.

Тоифага ажратиш тўғрими?

Баъзи бировлар ҳақида гап кетганда уни "зиёли инсон" деб таърифлашни хуш кўрамиз. Кўз ўнгимизда беихтиёр пўрим уст-бошли, савлат-салобатли шахс жонланади. Афсуски, тасаввуримиз бот-бот алдамчи бўлиб чиқади. Олий маълумотлилик дипломи, қаншардаги жимжимадор кўзойнак ҳамиша ҳам зиёлилик белгиси бўла олмаслигига амин бўламиз. Яна бир карра чуқур англаймизки, юз-кўзидан, гап-сўзидан ҳарорат, нур-зиё ёғилиб турган, камтар-камсуқум инсонларгина бундай қутлуғ таърифга лойиқ.

Демоқчиманки, чин зиёли одам кўзгуга ўхшайди. Хонадон йўлагидаги тошойнага боқиб юз-кўзимиздаги, уст-бошимиздаги қусурлардан уялганимиздек, зиёли зотга дуч келган чоғ ҳам беихтиёр ўнғайсизланамиз, миямиздаги қуйқа хаёллардан, кўнглимиздаги кирчил кечинмалардан ногоҳ хижолат чека бошлаймиз. Гўё зиёлининг зиёси ич-ичимизни туйқус ёритиб юбориб, ҳамма сир-асрорларни ошкор қилаётгандай туюлади. Ва шундай ширин қийноқлар исканжасида поклана бошлаймиз. Худди шу нуқтаи назардан олиб қаралса, ўқитувчи ёки маданият муассасаси ходимини, шунингдек, бирор институт ё университетни битирган одамни зиёли деб аташ, умуман, қандайдир тоифаларга ажратиш нотўғри. Инсонларни фақатгина ички зиёси, ақл-фаросатига қараб кимлигини билиш мумкин. Қолган барча сифат ва кўрсаткичлар алдамчи.

Бизда кўпинча бир ҳолат учрайди. Олий маълумотли кишиларнинг ҳаммасини зиёли инсон, деб атаймиз. Майли, бунга эътирозим йўқ. Аммо шуни айтмоқчиманки, биз зиёлилик белгисини биргина олий таълим муассасаси дипломи билан белгиламаслигимиз керак. Бу туйқус фикрлаш, ўйлаш, тасаввур ва мақсад-ниятимизни майдалаштириб қўяди. Олийгоҳ эшигидан ичкари хатлаб ўтмаган, бутун ҳаёти бепоён юртимизнинг қайсидир олис ҳудудида чўпонлик билан ўтаётган ё бўлмаса далада ер билан тиллашиб меҳнат қилаётган оддийгина инсон ҳам зиёли бўлиши мумкин. Чунки... унинг кўнгли тоза, ўзи беғубор, китоб таниган одам...

Эртанги кунимиз эгаларига эътибор

Нима эксанг, шуни ўрасан, деган нақл бор халқимизда. Ёшларимизнинг таълим-тарбияси, дунёқарашида салбий жиҳатлар бор экан, бунинг барчасига, аввало, биз катталар айбдормиз. Лекин биз кўпроқ ҳамма айбни Ғарбга тўнкашни маъқул кўрамиз. Улар ёшларимизга ўз турмуш тарзини турли йўллар билан сингдиряпти, деймиз. Маъзур тутинг, аммо мен бу фикрга қўшила олмайман. Бир мисол. Айтайлик, миллий урф-одат, қадриятлар ниқоби остида данғиллама тўй, маросимлар қиламиз. Аҳамият беринг, мана шунақа "миллий" деб атаётган расм-русумларимиз бугун шунчаки ниқобга айланиб қолди. Аслида эса асл миллий қадриятларимиз бугунги шоҳона одатлардан анча фарқ қилади. Буни ҳам унутмаслик керак. Дабдабага берилиб, пул-маблағни аёвсиз сочамиз. Хўш, бунинг нимаси ёмон, деб сўрашингиз мумкин. Ҳамма иллат шундаки, бу шунчаки, тўй ёки марака эмас, биз улар баҳонасида қўни-қўшни, қавми-қариндош, дўст-душман кўз олдида ўзимизни бой-бадавлат, ҳаётда пешқадам, саховатпеша кўрсатгимиз, мақтангимиз келади. Кимлардир айтиши мумкин, "тўкин-сочин тўй қилиш, элга ош бериш қадрият даражасидаги узоқ ўтмишимизга хос", деб. Тўғри, буни ҳам инкор этиб бўлмайди. Лекин бугунги кун кишиси билан ўша замон одамининг фарқи ер билан осмон қадар. XXI аср одамининг орзу-истаги, ўй-фикри, мақсади ўзгарган. У заҳмат чекиб топган пулини бундай исрофгарчилик учун сарфлашни истамайди. Шу боис қадриятнинг ниқобга айланишига йўл қўймаслик керак.

Тарих гувоҳ, бу муқаддас заминимиздан не-не буюк алломалар, давлат арбоблари етишиб чиқмаган. Уларнинг шонли йўли, ҳикматию фалсафаси бугун ҳам ўз қийматини йўқотган эмас. Буюк давлат арбоби ва саркарда Амир Темурнинг Ватанга садоқат, эл-юртни ардоқлаш, мардлик ва фидойилик каби юксак фазилатлари ёш авлод учун ўрнак бўлиб келмоқда.

Биз эса бир-биримиз билан зимдан пойга уюштирамиз: маҳалладаги энг баланд, энг серҳашам уй меники, тоғам "Нексия" ҳайдаб юрибди, мен "Малибу" олишим керак, ҳамкасбим оддийгина телефон тутади, меники эса энг сўнгги русумдагиси. Савол туғилади: баъзида майдалашиб, бор-йўқ ғурур манбаимиз мана шундай бачкана ҳою-ҳаваслардангина иборат бўлиб қолмаяптими? Ва, энг ёмони, бундай кимўзар пойгалар фарзандларимизнинг, ёшларимизнинг кўз ўнгида юз бераяпти. Биз уларни шу тарзда ҳаётга, турмушга ҳозирлаяпмиз. Бундай "тарбия" эса ўз сўзини айтишда давом этаверади.

Китоб инсонни камолот сари етакловчи маънавий хазина

Ёшлар тарбияси барча замонларда ҳам энг муҳим, инсоният келажагини белгиловчи масала бўлган ва шундай бўлиб қолади. Ёшларимиз қадимий ва бой тарихимизни билиши зарур ва айни пайтда уларни ҳар биримиз ўз ҳаётимиз мисолида ўрнак бўлиб миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашимиз лозим. Бинобарин, калондимоғлик, бепарволик, лоқайдлик, боқимандалик каби салбий иллатлардан асрашимиз керак. Зотан, ёшларни асраш миллатни, юртни асраш демакдир. Бу қандай асралади? Бунинг аниқ формуласи борми? Формула ва шарт оддий, аммо ўта нозик. Миллатни асрашнинг биргина шарти маънавиятни оширмоқдир. Бунинг ҳаммаси, энг аввало, китоб, китобхонлик орқалигина амалга ошади. Шунинг учун ҳам Президентимиз айнан мана шу масалага жиддий эътибор қаратяпти. Гап китобхонлик ҳақида кетар экан, бир машҳур латифа ёдимга тушади.

"Ё, Худо, менинг ҳам лотореямга ютуқ чиқсин!" — деб илтижо қиларкан бир одам ҳар куни. Ниҳоят, кўкдан садо келибди: "Сен аввал лоторея сотиб олгин..."

Худди шунга ўхшаш, биз ёш авлодни китобга, китобхонликка даъват этиш, бу борада сон-саноқсиз тадбирлар, кечалар ўтказиш баробарида уларга китоб етказиб бериш ҳақида ҳам ўйлашимиз керак. Бугун нашриётларимизда чоп этилаётган китоблар адади, тури жиҳатидан жуда кам. Улар чекка туман ёки қишлоқларга деярли етиб бормайди. Етиб борганлари ҳам, қўлдан-қўлга ўтавериб, жуда қимматлашиб боради. Ана шундай ҳаётий эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда, масаланинг шу томонларини ҳам ўйлаб кўриш, назардан қочирмаслик керак, деб ҳисоблайман.

Хуллас, фикрлаш бир жойда тўхтаб турмагани каби замон, тараққиёт ҳам мудом ҳаракатда. Мана шу жараён билан қадам-бақадам юриш, ҳатто эртага нима бўлишини олдиндан кўра билиш учун, аввало, янги фикр, янгича қараш зарур. Катта орзу-умидлар билан кириб келаётган ҳар бир йигит-қизда ана шу янги фикр нодир китоблар, бебаҳо манбалардан баҳрамандлик орқали пайдо бўлади. Китоб ўқиган ва уққан одам мамлакат ҳаётини, ҳатто тараққиёт мурватини зарур томонга буришга қодир бўлади.

Реклама

AGROBANK

Агробанк қулай ва даромадли бўлган
"МЕНИНГ ЮРТИМ"
омонат турини таклиф этади!

Омонат фоизи ва муддати:
омонат фоизи – йиллик 18 фоиз
омонат муддати – 13 ой

Омонат очиш учун минимал талаб – 5 миллион сўм. Ушбу омонатга маблағлар нақд пул ёки пластик карта маблағлари ҳисобидан қабул қилинади. Ҳисобланган фоизлар учун тўловлар ҳар ойда нақд пулда ёки пластик картангизга ўтказиб берилади.

Агробанк омонатлари Сиз учун!

www.agrobank.uz
/AgrobankChannel
Agrobank Mobile иловасини юклаб олинг
тел.(+99871) 203 88 88
/agrobankuzbekistan
App Store
Google Play
Хизматлар лицензияланган

Реклама

QQB
QISHLOQQURILISHBANK

AVTOKREDIT

ISTE'MOL KREDITLARI

MIKROQARZ

Tez va qulay!
Ma'lumot uchun:
(+99871) 150-93-39

WWW.QQB.UZ

Хизматлар лицензияланган.

Хамкорлик

ТЕМИР ЙЎЛ СОҲАСИДА КАДРЛАР АЛМАШИНУВИ

Шарқий Хитойнинг Жиаотонг университети проректори Фан Ёнг бошчилигидаги делегация ўзаро ҳамкорлик, тадқиқот, таълим ва маданият алоқаларини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш мақсадида Тошкент темир йўл муҳандислари институтида бўлди.

Учрашув доирасида делегация таркибидаги малакали профессор-ўқитувчиларнинг маҳорат дарслари ташкил этилди. Шунингдек, икки таълим муассасаси ўртасида ҳамкорлик меморандуми ҳам имзоланди.

— Таълим даргоҳларимиз ўртасидаги ҳамкорлик кўплаб йўналишларни қамраб олади, — дейди Жиаотонг университети проректори, профессор Фан Ёнг. — Ушбу меморандум, айниқса, ўқитувчиларнинг малакасини оширишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Ҳар йили ўртача 60 талаба алмашинувини ҳам режалаштирганмиз.

Меморандумда ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатиш, илмий тадқиқотлар олиб боришда ахборот алмашиш, талаба ва аспирантлар ўртасида фаол мулоқотни йўлга қўйиш, курслар ва бошқа дастурларни тайёрлашда иштирок этиш, биргаликда тадқиқотлар ўтказиш, халқаро конференция ва семинарлар ташкил этиш каби масалалар белгиланган.

Меҳмонлар шу куни талабалар шаҳарчасида ўтказилган "Меҳржон" байрамида ҳам иштирок этдилар.

Ўз мухбиримиз

ВАТАН ТУЙҒУСИ ҲАР НАРСАДАН ҲАМ ҲАЙРЛИ
MILLIY TIKLANISH

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Феруза МУҲАММАДЖОНОВА, Амриддин БЕРДИМУРОДОВ, Акмал САЙДОВ, Алишер ҚОДИРОВ, Ортиқали ҚОЗОҚОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Исмат ХУДОЁРОВ

Бош муҳаррир: Беҳзод НОРБОЕВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
ТЕЛЕФОНЛАР: (0-371) Қабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва партия ҳаёти бўлими: 234-01-47, Маданият, туризм ва халқаро ҳаёт бўлими: 234-86-41, Маънавият, маърифат ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 1016, Адади — 3818. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
Навбатчи муҳаррир: Муҳтарама КОМИЛОВА
Навбатчи: Мухторбек АБДУЛЛАЕВ
Саҳифаловчи: Жалолиддин ЎРИНОВ
Электрон почта: e-mail: gazeta@mt.uz, mtiklanish@mail.ru
Босишга топшириш вақти — 21.30.
Топширилди — 00.15.

ISSN 2010-7714
9 772010 771003 123 56